Калта юбка кийган «Барби»лар 5-бет


# Ishonch

*Insonga naf keltirish — oliy baxt*

*2008 yil 14 fevral*
*№ 20 (2433)*
*payshanba*

Kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi * * Gazeta 1991 yil 21 martdan chiqa boshlagan




Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ?
Кимки, ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ!

Гар замонни нафй қилсам айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз, нетойин, бу замондин яхшилиғ!

Дилраболардин ёмонлиқ келди маҳзун кўнглума,
Келмади жонимға ҳеч ороми жондин яхшилиғ.

Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ямонлиқ асру кўп,
Эмди кўз тутмақ не маъни ҳар ямондин яхшилиғ?

Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ!

Яхшилиғ аҳли жаҳонда истама Бобур киби,
Ким, кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ?!

* * *

Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгаймен,
Не кун бўлғай висолингға мени дилхаста етгаймен!

Тараҳҳум юзидин юзунгни кўрмакка буюрғайсен,
Хуш улким оразингни кўргамен, сўзунг эшитгаймен!

Итингдурмен, сочинг занжирин бўйнумға маҳкам қил,
Ки, водийи фироқинг ичра қўрқарменки, йитгаймен.

Тараҳҳум қилмасанг ё боқмай истиғно била ўтсанг,
Тазарруъ қилғамен ё йиғлағаймен — ўзга нетгаймен?!

Муяссар бўлмаса бошимни қўймоқлик аёғинга,
Бошимни олиб, эй Бобур, аёқ етганча кетгаймен!

## Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига 525 йил тўлди

# Бугунги сонда:


**Муносабат**
Садағанг кетай, саховатли юртим!
— 3-бет —

**Жараён**
Наномания
— 4-бет —

**Муаммо**
Ёғоч аскарлар хуружи
— 5-бет —

**Ҳаёт ва қонун**
Мўлжал аниқ олинса
— 6-бет —

**Учрашув**
Чироқ ўчиб қолганда...
— 11-бет —

**Жаҳл келса...**
Бемаҳал отилган ўқ
— 13-бет —

**Спорт**
Баҳодир йигит
— 14-бет —


**Шунингдек:**

Энг қайноқ спорт янгиликлари, энг мукаммал TV дастур, сканворд ва бошқа қизиқарли мавзулар билан танишасиз.

# 2008 йилда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури

1. Вазирлар Маҳкамасининг **2007 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига** бағишланган мажлисида қайд этилдики, 2007 йилда иқтисодиётнинг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий барқарорлиги таъминланди, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ишлари давом эттирилди. Мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 9,5 фоизга ўсди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 12,1 фоизни, қишлоқ хўжалиги бўйича - 6,1 фоизни, қурилиш ишлари бўйича – 15,7 фоизни, чакана товар айланмаси бўйича – 21,0 фоизни, пулли хизматлар кўрсатиш бўйича – 20,6 фоизни ташкил қилди. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси тасдиқланган прогноз кўрсаткичдан ошмади.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар натижасида фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шаклига айланди. Қишлоқда бозор инфратузилмаси амалда янгидан барпо этилди, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва рағбатлантириш сифат жиҳатидан янги тамойиллар асосида олиб борилди, тармоқни бошқариш тамойиллари ва тизими ўзгармоқда.

Мамлакат иқтисодиётида юз бераётган жиддий таркибий ўзгаришлар ташқи иқтисодий алоқалар кўрсаткичларида аниқ акс этди. Экспорт ҳажми ўсишининг юқори суръатлари (40,7 фоиз) ҳисобига тўлов балансининг барқарорлиги ва мамлакатимиз олтин-валюта захираларининг сезиларли даражада ўсиши таъминланди. Экспорт ҳажмида тайёр маҳсулотлар улуши 38 фоиздан ортиқ бўлди. Мамлакатнинг ташқи қарзлари ҳажми ва унга йиллик жорий хизмат кўрсатиш даражаси энг паст кўрсаткичларга эга.

Иқтисодиётга инвестиция қўйиш умумий ҳажми 2007 йилда 23 фоизга ўсди. Инвестицияларнинг 70 фоизидан ортиғи **ишлаб чиқариш** объектлари **қурилишига, шу жумладан** 50 фоизга **яқини техник ва** технологик **жиҳатдан модернизация** қилишга **йўналтирилди. Бунда** ўзлаштирилган **хорижий инвестицияларнинг** ҳажми 58 фоиздан ортиқ ўсгани ҳолда 1 млрд. доллардан ортиқ бўлди. Уларнинг қарийб 76 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил қилди.

Хусусий тадбиркорликни янада эркинлаштириш ва рағбатлантириш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчиликни мустаҳкамлаш, солиқ юкини ва давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил камайтириш, бозор инфратузилмасини шакллантириш ишлари давом эттирилди. Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга ёндашувлар тубдан қайта кўриб чиқилди.

Банк-молия тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уларнинг кўламларини кенгайтириш тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини, капиталлашув даражасини янада ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш имконини берди. Ўтган йилда тижорат банкларининг устав сармояси қарийб 2 баравар ўсди.

Аҳоли бандлигини ва даромадларини ошириш муаммолари аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ва изчил ҳал этилмоқда. Ўтган йилда қўшимча равишда 630 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, уларнинг қарийб учдан икки қисми қишлоқ жойлардадир, ўртача ойлик реал иш ҳақи 47,2 фоизга кўпайди ва 2007 йил декабр ойида 210 АҚШ доллари эквивалентига тенг миқдорни ташкил этди. Таълим, соғлиқни сақлаш, болалар спорти тизимлари ва ижтимоий инфратузилмани бошқаришни такомиллаштириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилди.

Шу билан бирга, кичик бизнес соҳасини, савдо тармоғини ва умуман инфратузилмани ривожлантиришга, минтақаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга эътиборнинг етарли эмаслиги оқибатида бир қатор маҳаллий бюджетларнинг, энг аввало, Сурхондарё, Жиззах, Наманган вилоятларида ва кўпгина қишлоқ туманларида дотация олиш ҳолатлари сақланиб қолмоқда.

Рақобат муҳитини шакллантириш муаммолари кескинлигича қолмоқда, бозор инфратузилмаси, аудиторлик, суғурта, лизинг фаолияти, айниқса, қишлоқ жойларда ҳали ҳам етарлича ривожланмаяпти.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати алоҳида ташвиш уйғотмоқда. Ҳозирги вақтда суғориладиган ерларнинг қарийб 8 фоизи шўрланиш даражаси ва сизот сувлар сатҳи юқори бўлган мелиоратив ҳолати ёмон ерлардир. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Сирдарё, Фарғона, Тошкент вилоятларида ва бошқа бир қатор вилоятларда вазият ўта мураккаблигича қолмоқда.

2. **Қуйидагилар 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари этиб белгиланди:**

макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётни ўстиришнинг барқарор ва мувозанатлашган суръатларини таъминлаш, жалб қилинадиган хорижий инвестицияларни, энг аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш ҳисобига таркибий ўзгартиришларни, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилашни давом эттириш;

ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни, солиқ-бюджет сиёсатини янада эркинлаштириш, бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш;

аҳолининг иш билан бандлигини яхшилаш ва фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни, хизматлар кўрсатиш соҳасини ва касаначиликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини оширишни таъминлаш;

«Ёшлар йили» Давлат дастурини бажариш чора-тадбирларини амалга ошириш.

Бутун Дастурнинг ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишларининг марказига энг муҳим устувор вазифа – инсон манфаатлари устуворлиги қўйилган.

Белгиланган устувор вазифаларнинг сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамаси мажлисида **қарор қабул қилинди:**

3. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўн кун муддатда кенгайтирилган мажлисларда иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва соҳаларида, республика ҳудудларида ислоҳотларнинг чуқурлаштирилиши якунларини танқидий таҳлил қилсинлар ҳамда 2008 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари ва йўналишлари амалга оширилишини таъминловчи аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар, уларни бажаришнинг аниқ муддатларини ва масъул ижрочиларни, шунингдек, ушбу вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини назорат қилиш механизмини белгиласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ғаниев), Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев) ва Давлат божхона қўмитаси (Носиров):

ишлаб чиқаришни модернизациялаш, реконструкция қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларининг амалга оширилиши юзасидан қатъий мониторинг ўрнатсинлар, бунда ажратилаётган маблағлар, ресурслар ҳамда берилаётган имтиёзлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишига, манфаатдор хорижий инвесторларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратсинлар;

лойиҳаларни амалга ошириш учун масъул бўлган вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда белгиланган муддатларда лойиҳаларнинг ТИА/ТИҲлари ишлаб чиқилиши ва экспертизадан ўтказилишини, тендер тартиб-таомиллари амалга оширилишини, контрактлар тузилишини ҳамда лойиҳаларнинг ТИА/ТИҲлари узил-кесил параметрларини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласинлар.

Вазирлар Маҳкамаси ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича тармоқ дастурларининг бажарилишини ҳар чоракда ўз мажлисларида кўриб чиқсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Гуськова), Марказий банк (Муллажонов), Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова), Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (Ғуломов) бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига жамғарманинг функцияларини ва ваколатларини кенгайтириш, унинг ресурсларини кескин кўпайтиришнинг қўшимча манбалари, жамғарма маблағлари ҳисобига, шунингдек, хорижий инвесторлар билан биргаликда молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари рўйхати бўйича таклифлар киритсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Азимов), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ғаниев) манфаатдор вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда:

2008 йил 1 мартгача бўлган муддатда – 2008 йилда саноат ярмаркаси ва кооперация биржасини ўтказиш, ишчи аппаратига эга бўлган, доимий фаолият кўрсатадиган саноат кооперация биржасини ташкил этиш, ишчи аппаратига республика корхоналари ўртасида кооперация алоқаларини йўлга қўйишда кўмаклашиш функциясини юклаш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини;

бир ой муддатда - 2008-2010 йилларда маҳаллий хомашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури лойиҳасини;

бир ой муддатда - 2008-2012 йилларда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини;

2008 йил 1 июнгача бўлган муддатда – ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган ва инновация технологиялари ишлаб чиқилиши ва уларнинг ишлаб чиқариш жараёнларига жорий этилишини рағбатлантирадиган механизмлар яратилишини назарда тутадиган инновация технологияларини ривожлантириш бўйича тадбирлар комплексини;

2008 йил 1 июлгача бўлган муддатда – энергетика тармоқларини, сув билан таъминлаш, канализация тизимларини, автомобил ва темир йўллар шохобчаларини, биринчи навбатда, қишлоқ туманларида янгилаш ва кенгайтиришга, шу жумладан кейинчалик ушбу зоналарда янги саноат ишлаб чиқаришларини жойлаштиришга йўналтирилган ўрта муддатли Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва реконструкция қилиш дастури лойиҳасини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

7. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси (Мусаев), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), Адлия вазирлиги (Муҳитдинов), Олий хўжалик суди (Ишметов) иштирокида 2007-2010 йилларда Хусусийлаштириш дастури ва инвесторлар томонидан олинган инвестиция мажбуриятлари бажарилишининг ҳолатини танқидий таҳлил қилсин ҳамда икки ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар киритсин, бунда:

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилаш, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ўз зиммасига мажбуриятлар олаётган ишончли ва масъулиятли хусусий инвесторларни хусусийлаштириш жараёнларига жалб этиш учун энг қулай шарт-шароитлар яратиш;

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилаш, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, хусусийлаштирилган корхоналарнинг самарали ва молиявий барқарор фаолиятини ташкил этиш бўйича қабул қилинган инвестиция мажбуриятлари сўзсиз бажарилиши учун янги мулкдорларнинг иқтисодий ва юридик жавобгарлигини кучайтириш назарда тутилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Азимов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Улашов), Марказий банк (Муллажонов) бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда - Вазирлар Маҳкамасига янги таҳрирдаги Солиқ кодексини амалда рўёбга чиқариш мониторинги бўйича махсус Идораларaро гуруҳ ташкил этиш юзасидан таклифлар киритсинлар ва зарурият бўлса, Вазирлар Маҳкамасига Солиқ кодексининг айрим нормалари ва қоидаларини янада такомиллаштиришга йўналтирилган таклифларни тақдим этиб борсинлар;

бир ой муддатда - халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳасида бюджет ташкилотларини молиялаштириш механизмини янада такомиллаштириш, янги ташкил этилган ғазначилик органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш ишларини жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

бир ой муддатда - молия-банк, аудиторлик ва суғурта фаолиятини ривожлантиришнинг қабул қилинган дастурлари бажарилишини таҳлил қилсинлар ва тўпланган тажрибани ҳисобга олиб, Вазирлар Маҳкамасига суғурта, аудиторлик, лизинг компаниялари, тижорат банклари фаолиятини қўшимча рағбатлантириш, уларнинг капиталлашувини, инвестиция фаоллигини ва молиявий барқарорлигини ошириш, улар томонидан аҳолига ва хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва турларини, айниқса, қишлоқ жойларда кенгайтириш бўйича таклифлар киритсинлар.

9. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) маҳаллий бюджетларнинг дотация олишини қисқартириш тўғрисидаги масалани 2008 йилнинг I чораги якунлари бўйича ўз мажлисида алоҳида кўриб чиқсин ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик, савдо тармоғи ва умуман инфратузилмани ривожлантириш, минтақаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича вилоятлар ва туманлар бюджетлари даромади ўсишини таъминлайдиган аниқ қарорлар қабул қилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Улашов), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), Адлия вазирлиги (Муҳитдинов) Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси (Тўхтабоев) ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда - Вазирлар Маҳкамасига Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган ҳар ойлик жадваллар асосида монопол маҳсулотларни мавсумий талабни ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш тартибини киритсинлар. Жадвалларнинг бажарилиши натижалари тўғрисида ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин;

бир ой муддатда - республикада рақобат муҳитини шакллантириш масалалари бўйича ишларнинг аҳволини танқидий таҳлил қилсинлар, айрим хўжалик юритувчи субъектларга берилган имтиёзларни пухта инвентаризация қилсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига айрим тармоқларда иқтисодиётнинг монополлашуви даражасини қисқартиришга, бозорнинг барча қатнашчилари учун тенг рақобат шароитларини таъминлашга йўналтирилган аниқ таклифлар киритсинлар.

11. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) «Транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги ва «Иш берувчининг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини ва кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Азимов) суғурталовчилар уюшмаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ва иш берувчининг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишнинг такомиллаштирилган тизимини ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар пакети ишлаб чиқилишини, тегишли қонунлар қабул қилингандан кейин бир ой муддатда уларнинг Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Гуськова), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ғаниев), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Хаитов) бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда:

***(Давоми 3-бетда).***

▼ Жараён

***Декабрнинг ўрталари эди. Одатдаги иш кунларидан бирида бош муҳаррир хонасига чақиртириб, нанотехнология ҳақида зудлик билан материал тайёрлашни топширди.. «Аргументы и факты»да шу ҳақда каттагина мақола чиққан экан. Танишиб чиқдиму, «эй, бу нанотехнология деганлари кони фойда экан-ку» деган фикр ўтди хаёлимдан. Рост-да, биргина Тожикистондаги алюминий заводининг заҳарли тутуни боис бугун Сурхондарёнинг чегарадош беш туманидаги анча-мунча одамлар ўзга жойларга кўчиб кетишга мажбур бўлишмоқда. Агар ўша тутунни қайта ишлаш жараёни йўлга қўйилса борми?!. Сих ҳам куймасди, кабоб ҳам. Бироқ ҳолва деган билан оғиз чучимайди-да, биродар...***

# Наномания





### БОШЛАНМА ЁХУД ОЧИҚ ҚОЛГАН САВОЛЛАР

Бу борадаги билимим умумий тушунчалардангина иборат бўлса-да, таваккалига «ё остидан, ё устидан» дедиму, кимёвий тажрибалар билан шуғулланадиган идора томон йўл олдим. Аммо нима мавзуда материал тайёрламоқчи эканимни сўраб-суриштирган момоқаймоқ қоровулдан (бу даражада қизиқувчан қоровулни энди кўришим) нари ўтолмадим.

— Опа бандлар, мана рақамлари, фалон куни сим қоқинг, қачон вақтлари бўлишларини айтадилар...

Котиба қиз телефон орқали шундай деди. Илож қанча? Кутдик. Айтилган куни боғландик, бироқ яна ўша жавоб:

— Опа бандлар...

У кишининг бўшашини кутиб бир ойга яқин вақтни қарита-қарита, не бахтки, шахсан ўзлари билан телефон орқали гаплашишга муваффақ бўлдим. Опа анчайин камтар ва хушмуомала одамдай туюлди:

— Ҳа, ҳа, бизда нанотехнология ривожи қандай денг?.. Яхши, албатта, ёрдам бераман... Чоршанба куни телефон қилинг, қачон вақтим бўлишини айтаман. Хўп, саломат бўлинг, укажон...

Худонинг чоршанбаси ҳам кўп экан. Орадан уч чоршанба ўтди ҳамки, опанинг ҳеч вақти бўлмади. Ким билсин, ё бизнинг мақсадимиз у кишига тушунарли бўлмадими ёки ёқинқирамадик ёхуд мақтанишга арзирли тажрибалар каммикан?..

Ҳафсалам пир бўлиб юрган кунларнинг бирида «Davr»да нанотехнология ҳақида телелавҳа берилди: мухбирнинг гапларига ишонадиган бўлсак, ЎзФАнинг «Иссиқлик физикаси» бўлими ходимлари анча-мунча изланишлар олиб боришмоқда экан.

Дарҳол уларнинг телефон рақамини излаб топиб, директор ўринбосари Абдулла Саидов билан боғландик. Пировардида у киши бизни «Истиқболли тадқиқотлар» лабораториясига таклиф қилди ва мухлислар учун ўқишли материал тайёрлаш мақсадида йўлга тушдик.

### «МИКРО»ДАН «НАНО»ГА...

Келишилган вақтда учрашдик. Абдулла Саидов «Истиқболли тадқиқотлар» лабораторияси ҳақида ишонч билан сўзлади:

— Ўзбек физикасининг дарғаларидан бири бўлмиш академик Пўлат Ҳабибуллаев ташаббуси билан ташкил қилинган мана шу лаборатория энг долзарб тадқиқотлар билан шуғулланади. Бугун бутун дунёнинг нигоҳи нанотехнологияга қаратилган. Чунки одамларнинг эртанги ҳаёти шу билан боғлиқ. Қолаверса, бу жараён ниҳоятда мураккаб. Ҳали тажрибалар кам. Шу боис тараққиётдан орқада қолмаслик учун мазкур лаборатория фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш йўлида изланаяпмиз. Барча ходимлар — ёшлар. Энг «кекса»си Даврон Матрасулов 36 ёшда. У 29 ёшида фан доктори бўлган. Бугун лабораториядаги ёшларга бошқош бўлиб, истиқболли муаммолар билан шуғулланмоқда. Хорижий давлатларда эса бу тажрибалар тан олинаётир. Ҳозир таништириб қўяман...

Асли ҳазорасплик Даврон Матрасулов салом-аликдан сўнг нанотехнология ҳақидаги гапни узоқдан бошлади:

— «Атомлардан машина (асбоб-ускуна) сифатида фойдаланса бўладими?» деган саволни қўйган япон олими Нарио Танигучи томонидан 1974 йили фанга киритилган *нанотехнология* тушунчаси бугун аксарият ривожланган ва ривожланиш йўлида бўлган давлатларни бирдай қизиқтириб қўйди. Боиси фан-техника тараққиёти дақиқа сайин олға силжимоқдаки, бундан кўзланган асосий мақсад кўпчиликка аён: одамзотнинг оғирини енгил қилиш.

Асли юнон тилидан олинган («nanos» — «митти») нанотехнология тушунчасининг моҳиятига келсак, уни англаш ва англатиш — нисбатан мураккаб. Негаки, уни тушунтириш учун мозийга қайтишга тўғри келади. Айтайлик, палеолит даврида одам тош қуролни ҳаракатга келтириш мақсадида жуда кўп куч сарфлаган. Агар унда *триллион х юз миллиард* миқдорида атом бор дея ҳисобласак, микроэлектроника даври бўлган XX асрга келиб транзисторлар, интеграл микросхемалар кашф қилинди ва энди одам борйўғи бир неча миллиард атомдан иборат техникаларни бошқара бошлади. Бу жараён технологик жиҳозларнинг атом нуқтаи назаридан кичрайишига олиб келди. Инсоният ҳаётига XXI асрда аста-секинлик билан бўлса-да кириб келаётган нанотехнология самараси шунда кўринадики, энди кашф қилинаётган техникада миллиард миқдордаги атом эмас, балки ўнта, юзта ёки мингта атом мавжуд бўлади. Дастлаб Фейнман томонидан фараз қилинган квант компютерини яратиш анчадан буён аксарият олимларнинг тинчини ўғирлаган. Ва бу йўлда изланишлар олиб борилиб, ҳатто маълум бир ютуқларга ҳам эришилмоқда. Квант компютерининг ҳозиргиларидан фарқи нимада? Масалан, бугун оддий компютерда бир бит ахборотни ёзиш учун тахминан юз миллиард атомни бошқарамиз. Квант компютерида эса бу жараёнда битта атомдан фойдаланилади. Фарқини ўзингиз ўлчаб олаверинг. Бундан ташқари анъанавий компютерда ахборот ёзиш комбинациялари чегараланган бўлса, квант компютерида ёзиш мумкин бўлган комбинациялар мислсиз даражада кўп. Баъзи тахминларга кўра 15-20 йилдан сўнг, айрим фаразларга кўра эса 25-30 йилдан кейин квант компютери оммалашади. Шунингдек нанокапсулалар ҳам тиббиётда анчагина самара бериши мумкин. Дейлик, бошингиз оғрияпти. Дори ичдингиз. Аммо таблетка то баданга сўрилиб, оғриётган нуқтага етиб бориши учун анча вақт ўтиб, дори ўз кучини маълум миқдорда йўқотади. Нанокапсулалар воситасида эса бир неча атом гуруҳини бошқарасиз ва у айни ўша лаҳзада айни ўша касалланган тўқимага бевосита таъсир қилади. Сиз эса дорининг айни ўша оғриётган нуқтага таъсир кўрсатиши учун нанороботни бошқариб турасиз, холос. Шундай дастурлаштириш устида бош қотирилмоқда... Умуман олганда, бир пайтлар фантаст ёзувчиларнинг асарларида хаёлий туюлган айрим қурилмаларни амалда намоён этиши мумкин бўлган нанотехнология кенг кўламли тушунча бўлиб, у деярли барча соҳада қўлланиши мумкин.

Уни фақатгина технологик қурилмаларнинг миттилашиши тарзидагина тушунмаслик керак. Нанотехнологик асбоблар ҳозирги ускуналардан тубдан фарқ қилади. Яъни, кенг кўламда эмас, балки индивидуал тарзда маълум «ҳужайра» доирасида ишлатиладиган нанотехнологиялар ҳозирги ускуналарга нисбатан ўн, юз, ҳатто минг маротаба устунлик беради. Бу жараён таннарх, ўлчам ва самарадорлик борасида яққол кўзга ташланади.

Нанотехнология — бугун нафақат назария, балки ҳаётий жараённинг бир бўлагига ҳам айланиб бораяпти. Масалан, пойтахтимиз кўчаларидаги реклама таблоси, нуқтали светофор ва кўпчилик томонидан қулайлиги эътироф этилган фонарли ёндиргич (зажигалка) айнан нанотехнологик маҳсулот бўлиб, унинг ўзагини светодиод ташкил этади. Бу нанотехнологиянинг энг дастлабки ва қўпол маҳсулотларидан бири. Бироқ эртага барчаси аста-секинлик билан такомиллашиб боради. Шунингдек, кундан-кунга электр, нефт ва табиий газ заҳиралари камайиб, уларга бўлган эҳтиёжлар эса тобора ортмоқда. Тасаввур қилинг, қачондир ер юзида барча табиий ёнилғи манбалари тугайди. Хўш, кейин нима бўлади? Демак, уларнинг ўрнини босадиган ёқилғиларни, гарчи сунъий бўлса-да, қуёш, водород, термоядро энергияларини юзага келтириш керак. Буларнинг барчасини нанотехнология воситасида амалга оширишга умид қилинмоқда. Эҳтимол, нанотехнологиянинг салбий жиҳатлари ҳам бордир. Буни вақт кўрсатади...

### ТЕХНИК ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАБ...

***— Юртимизга нанотехнологиянинг кириб келганига қанча вақт бўлди? Бугун бу жараён қай даражада ривожланмоқда?..***

— Нанотехнология замирида нанофан ётади. Нанофизика фани эса нанофанда марказий ўрин эгалловчи йўналиш ҳисобланади. Нанофизиканинг асосий вазифаси нанотизимлар орасидаги ўзаро таъсир қонуниятларини ўрганиш, наноўлчамлардаги физикавий жараёнларни бошқариш ва уларни функциялизация, яъни у ёки бу фаолият бажаришга «мажбур қилиш»дир. Нанофизика қуйидаги тармоқларга бўлинади: наномеханика, наноэлектроника, наноматериаллар физикаси, квант информатикаси, спинтроника ва бошқалар. Нанофизика — назарий тушунчалар йиғиндиси бўлса, нанотехнология амалий жараён билан боғлиқ. Илмий тил билан айтганда, нанотехнологиялар бу нанотизимлар функционализациясини амалга оширишга асосланган технологиядир. Нанофизиканинг юртимизга кириб келганига 10-12 йилча бўлди. Айни мана шу Физика институтини ўзбек нанофизикасининг бешиги дейиш мумкин. Қолаверса, бу жараёнда «Иссиқлик физикаси» бўлими ҳам фаол иш олиб бораётир. Масалан, иссиқликни самарали усулда узатиш масаласига нанотехнологик нуқтаи назардан ёндашилиб, маълум ютуқларга эришилди. Дунёда светодиод ишлатила бошланганидан бир-икки йил ўтмасдан юртимизда ундан фойдаланишга киришилди. Айнан «Истиқболли тадқиқотлар» лабораторияси ўзбек нанотехнологиясининг келажак ихтироларида муҳим ўрин тутиши кўзда тутилмоқда. Аслида ҳам мазкур лаборатория ташкил этилганида унинг олдига асосан иккита муҳим мақсад қўйилган эди: яқин келажакда долзарб бўлиши кутилаётган илмий муаммолар билан шуғулланиш ва фақат ёшлардан иборат бўлган илмий гуруҳ сифатида фаолият олиб бориш.

Бугун фан докторидан тортиб магистргача илмий изланиш олиб бораётган ушбу лабораториянинг 26 нафар ходими — ёшлардан иборат: ўртача ёш — 28. Айнан бугунги тадқиқотларимизга келадиган бўлсак, муқобил энергия манбаларидан бири ҳисобланмиш водород энергетикасини юзага келтириш йўлида изланаяпмиз. Энергияни сарфлаш, албатта, осон. Аммо уни йиғиш ва сақлаш — муаммо. Водород атомини сақлашнинг энг самарали усули сифатида уни сув атоми орасидаги бўшлиқда сақлаш назарда тутилмоқда. Сув, айниқса, кристалл (муз) ҳолатида водород энергиясини ўз бўшлиғида яхши сақлаб тура олади. Бунга ҳам ҳозирча 5-7 фоиз даражада эришилган. Агар бу 9-11 фоизга чиқадиган бўлса, водород энергиясидан тижорий мақсадда ҳам фойдаланиш мумкин. Бу муаммо билан гарчи бутун дунё олимлари шуғулланаётган эса-да, бизнинг ҳам ортда қолиш ниятимиз йўқ. Водород энергиясини узоқ вақт сақлаб туриш жараёнига нанотехнологик нуқтаи назардан ёндашаяпмиз...

***— Айтайлик, бугун Россияда нанотехнологик тажрибаларни бирлаштириб турган корпорация мавжуд. Ёки Японияда бир неча миллий фондлар... Агар нанотехнология аксарият соҳаларга тегишли экан, мамлакатимизда ҳам нанотехнологик тадқиқотларни бирлаштириш йўлида қандай ишларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда?..***

— Тўғри, бугун аксарият ривожланган мамлакатлар нанотехнологияга катта пул тикишмоқда. Нега? Чунки эртанги фан-техника тараққиёти нанотехнология билан боғлиқ. Юртимизга нанофаннинг кириб келганига кўп бўлмади, аммо бу борада изланишлар тўхтаб қолгани йўқ. Яқинда айнан нанотехнологик тадқиқотлар кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида 2008 — 2020 йилларга мўлжалланган давлат дастурининг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Биз ўз фикрларимизни билдирдик. Менимча, аввало мутахассислар йиғилиб, бизга нима керак эканлигини ойдинлаштириб олишлари лозим. Ахир хорижий давлатлар андозасидан қандай бўлса шундайлигича кўчириб ололмаймиз. Назаримда, биздаги нанотехнологик тадқиқотлар уюшмаси ўзимизга хосу мос бўлиши шарт. Кейин бу вазифаларни амалга оширишнинг молиявий манбалари ҳам, албатта, юзага келтирилиши керак...

***— Ўзбекистонлик олимларнинг нанотехнологик тадқиқотларини хорижга олиб чиқиш борасида қандай тадбирлар амалга оширилаяпти?***

— Бу борада ҳам «Истиқболли тадқиқотлар» лабораторияси ЎзФАнинг илғор жамоаларидан ҳисобланади. Аксарият ходимларимиз жуда ёш, иқтидорини намоён этишга чанқоқ, қолаверса бунинг учун бизда барча шарт-шароит мавжуд. Ходимларимизга камида иккита хорижий тилни мукаммал билишни мажбурий қилиб қўйганмиз. Бу ўз самарасини бераётир. Ҳар бир ходимимиз ҳеч бўлмаганда бир марта хорижда малака ошириб қайтган, бундан ташқари улар нуфузли хорижий илмий нашрларнинг фаол муаллифларидан ҳисобланади. Биргина ўтган йили INTAS фондининг халқаро стипендиясига Ўзбекистон бўйича 12 нафар олим сазовор бўлган бўлса, шулардан 7 нафари бизнинг ходимимиз эди. Лабораториямиздаги нанофизикага оид назарий тадқиқотларнинг аксарияти нуфузли хориж фондлари ва институтлари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Бу эса ҳар бир ходимимизнинг нуфузли хориж мамлакатлари билан илмий алоқаси мавжуд деганидир. Ўтган йили лабораториямиз замонавий физиканинг долзарб муаммоларига бағишланган нуфузли халқаро анжуманни ўтказиш ҳуқуқини берадиган грантни ютиб олган ва бу анжуман пойтахтимизда ўтказилган эди. Насиб қилса, кузда худди шу сингари яна бир нуфузли конференция ташкиллаштиришни мўлжаллаяпмиз. Унда дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакати олимлари иштирок этиши кутилмоқда. Булар ҳам лабораториямиз ютуқларининг жаҳонда яна бир бор эътироф қилинаётганига далил бўла олади...

### ХОТИМАСИ ЙЎҚ МАВЗУ

Эҳтимол, фан-техника инқилоби сабабдирки, одамнинг эҳтиёжлар сарҳади кундан-кун кенгаймоқда. Бу табиийликнинг ўлими эвазига амалга ошаяпти. Зотан, ҳаёт қонуниятининг аксарият формулалари — аксиома: ниманидир бой бериб, нимагадир эришилади. Қолаверса, нанотехнология ҳам барча тушунчалар сингари мураккаб: салбий ва ижобий жиҳатлар мувозанати асосига қурилган. Фақат одил ҳакам — Вақт — барчасини исботлаб беради. Нима бўлган тақдирда ҳам яқин йигирма йил орасида бутун дунё техник ихтирочиларининг тўғри маънодаги касаллик — наномания («барча ускуналарни миттилаштиришга ружу қўйиш») — билан оғриши кутилмоқда. Бироқ бу «касаллик меваси» одамзотнинг оғирини енгиллаштирармикан? Мана шу матрица лабиринти ичра ҳаракатланаётган одамнинг Инсон Манзилига етиб бориши учун хизмат қилармикан? Ҳамма гап шунда.

Ёш олим Даврон Матрасулов етакчилигидаги «Истиқболли тадқиқотлар» лабораториясидан чиқар эканман, кўнглимдан шундай фикрлар ўтди.

**Умид ЯЪҚУБОВ,**
**«Ishonch» мухбири**




Сарҳадлар оша...



# Қишлоғим шерлар қўрғони бўлган экан

Мактабни битираётган кезларимиз. Қалбларда орзулар лиммо-лим. Ҳар ким турли шаҳарга ўқишга боришни мўлжаллаган. Алламаҳалгача дарс тайёрлаб навбатдаги имтиҳонларга ҳозирлик кўрамиз. Сўнгра ўзимизча бизга яқин орада ҳар чўпидан тортиб бир кафт тупроғигача азиз бўлиб қоладиган қишлоғимиз кўчаларини, боғ ва далаларини айланамиз. Бу гал ҳам эртанги имтиҳонга ҳозирликни якунладик-да, қишлоқ бўйлаб сайрга чиқдик. Ўн беш кунлик ой муаззам кошинли, бир маҳаллар қуёш ёғдусида ялтираган, ҳозир қаровсизликдан гуллари ўча бошлаган, минерал ўғитлар омборига айлантирилган масжид тепасига, унинг ҳовлисидаги осмонўпар садақайрағочлар учига осилиб олиб беармон нур сочади. Садақайрағочлар ўртасидаги ҳовуз қирғоқлари одамни ҳайратга солади. Илдизлар шу даражада чирмашиб кетганки, ҳовузни бир қарич кенгайтириш ҳам, торайтириш ҳам мумкин эмас. Бир пайт Шермат мени туртди:

— Ҳовуз эгаси роҳатланиб «музика»ни авжига чиқараяпти-ку!

Ҳаммамиз кулиб қўйдик. «Ҳовуз эгаси» — масжид рўпарасидаги ҳовлида яшайдиган Ўрмон бобо. Ёши тўқсонга яқинлашиб қолган. Аммо ҳали бардам. Кўпинча уйи туриб ҳовуз бўйида ухлайди. Сабабини сўрашса, ҳовли дим; бу ер эса ҳам салқин, ҳам шабада дея жавоб бераркан.

Бобо кекса бўлса-да, ҳамон сергак. Тиқ этган товушни пайқайди. Бизнинг шарпамизни эшитиб бошини кўтарди.

— Кимсан?

— Бобо, биз, болалар! Сайр қилиб юрибмиз.

— Сайр учун топган вақтингни қара-я! — барибир Ўрмон бобонинг жавоби оҳангидан норозилиги сезилмасди.

— Ҳозир кетамиз, бобо, йўлдан ўтиб бораяпмиз холос.

— Қаерга ҳовлиқасан, қаёққа ҳам борардинг ҳозир!

Бобонинг ҳангомалашиш учун шерик топилганидан мамнунлиги сезиларди. Унинг атрофидан жой олдик.

Бобо носқовоғини топиб тили остига бир чимдим нос ташлади. Ўрмон бобонинг истагини сезган Шермат гап билан қитиқлади.

— Қишлоғимиз улуғиям ўзингиз, унинг тарихиниям ҳеч ким сизчалик билмайди.

Сўнг гўё соддалик билан қўшиб қўйди:

— Шерлар қўрғон бўлгандек Шерқўрғон дейишади. Шер нима қилади бунақа шаҳарсифат жойда?

Биз шеригимизнинг айёрлигига кулиб қўйдик.

— Ҳа, болам-а, болам, — бобо носини туфлаб ташлаб бош чайқади ва аста ҳикоясини бошлади.

— Сен қишлоқни ҳамиша бугунгидек бўлган деб ўйлайсанми? Бир маҳаллар бу ерда қамишзорлар шовуллаган, минг турли қушлар ғужғон ўйнаган. Энг катта боболаримиз ов қилиш учун шу ерларга келишган. Қарашсаки, ҳар тараф тўла ҳайвон. Тустовуқ ва қарқуноқ дейсанми, қуён, ғозу ўрдак дейсанми! Кийиклар ҳам шаталоқ отиб ўйнаб юрганмиш. Овчилар хурсанд бўлиб, чайла қуришибди. Бир кеч уйқуга ётишганларида ғалати ириллаш эшитилибди. Овчилар чайланинг нариги четига қочибди. Бу ҳол ўша ерда ҳам такрорланибди. Сўнг чайла девори шитирлаб одам сонидан йўғонроқ ғўла тешиб кирибди. Овчилар қўрқа-писа қарашса, шернинг оёғи эмиш. Ораларидаги дадилроғи силаб-сийпаса бармоқ йўғонлигидаги чақиртикан ҳайвон оёғига кириб синиб қолган экан. Овчилар тиканакни тишлари билан суғуриб ташлаб ўрнига нон чайнаб боғлаб қўйишибди. Иш битгач, оёғни силаб-сийпаб тортиб олишга имо қилишибди. Тонгга яқин чайла яқинида гупиллаган товуш эшитилибди. Чиқиб қарашга ҳеч кимнинг юраги бетламабди. Атроф ёришгач чайла тешигидан қўрқа-писа кўз ташлашса, яраланган каттагина кийик питиллаб ётган эмиш...

Бобонинг айтишича, шу тариқа шер овчиларга, овчилар эса кийикка ёмонлик қилишмабди. Қарабсизки, овчилар чайлаларини кенгайтиришибди, янгиларини бунёд қилишибди. Ҳовуз ковлашибди. Шароит созлиги, ҳайвонларни боқиш учун ўт-ўлан сероблиги боис овчилар маҳалласи юзага келибди. Илк чайлалар шер билан боғлиқлигидан янги жой Шерқўрғон деб атала бошлабди. Биз мактабни битираётган маҳалларда қад кериб турган садақайрағочлар шундан ёдгорлик экан. Кейинчалик тарих-география фани ўқитувчиси бўлиб етишган синфдошимиз Шермат Алматовнинг гувоҳлик беришича, Фарғона водийсида қўрғон номи билан боғлиқ қишлоқлар кўп (Шерқўрғон, Учқўрғон, Тўрақўрғон, Тепақўрғон ва ҳ.). Аммо Шерқўрғон якка-ю ягона. Ҳозир бу ерда саккиз мингга яқин киши истиқомат қилади.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Мухбир муаммо кўтаради



***Бир дўстимнинг ўғли дадасиникидай «Дамас» мингиси келиб қолибди. «Туғилган кунимга «Дамас» олиб берасиз» дея хархаша қилаверган. Бозорга чиқишса, турли-туман «Шевролет», «Жип», «Мерседес»лар кўпу юртимизда чиқариладиган машиналардан бирортасининг ўйинчоғи йўқ экан. Ўзимизга машиналар ясаб олишни бошлаганимиздан кейин болаларни унутиб қўйдик чоғи.***



# Ёғоч аскарлар хуружи

Хуллас, бола бечорага мажбуран «БМВ» тиқиштирилади — «Made in China». Бу ўйинчоқлар нимадан ишлаб чиқариляпти, бола саломатлиги-ю тарбиясига нечоғли фойда-зарар экани турли-туман «Наташа»ю «Барби»лар тўлиб-тошиб ётган тиқилинч раста олдида ўйлашга ҳам, текширишга ҳам имкон йўқ. Шундай қилиб ўзимиз сезмаган ҳолда болаларимиз саломатлиги ва тарбиясини бегона қўлларга индамай топшириб юбораяпмиз. Бу қўлларнинг қанчалик ишончлилиги ўтган йили даромад орқасидан чопиб, ўйинчоқлар ясашда заҳарли бўёқлардан оммавий тарзда фойдаланилгани учун жаҳон бозорларида ушбу маҳсулотларга таъқиқ қўйилгани мисолида яққол намоён бўлади.

Ўйинчоқларнинг инсон тарбиясидаги ўрни беқиёс. Гўдак илк бор оламни ўйинлар орқали англай бошлайди. Инсон болалигида ўйнаган ўйинчоқлар образи унинг онгида муҳрланиб қолади. Келажакда қандай касбни танлаши, қобилиятларининг ривожланиши, қайси ахлоқ меъёрларига амал қилиши маълум маънода боланинг ўйинчоқлари билан узвий боғлиқ.

Одатда фарзандларимизга ўйинчоқ харид қилар эканмиз, қизларга чиройли кийинган қўғирчоқлар, ошхона анжомларини, ўғил болаларга машина, турли курол-яроғларни танлашга ҳаракат қиламиз. Шу пайтда инсон шакллана бошлайди. Қўғирчоқни ювиб-тараб, эртаклар айтиб беради. Душманлар билан жанг қилиб ватан ҳимоясига тайёрланади. Бироқ қизалоқларимиз «кимларга» алла айтиб бераяпти? Шўролар замонида улар «Наташа»ни эркалаб катта бўлишди. Ҳозир эса узун оёқларини кўз-кўз қилиб, калта юбка кийган «Барби»ларни деярли ҳар бир хонадонда кўриш мумкин. Ўзимизда ишланган мультфилмлар, болалар учун бадиий фильмлар бармоқ билан санарли.

Ўйинчоқлар саноати нефт, пахта, олтин каби катта даромад келтирадиган бизнес турларидан ҳисобланади. Ўспиринларимиз компютер олдидан кетмай дунёни махлуқлардан озод қилиш учун курашади. Сал улғайиши билан ҳар куни телевизордан эълон қилинаётган «Европанинг тақдири сенинг қўлингда», «Человек паук», «Форсаж» сингари ўйинларни қўл телефонига кўчириб олади. Хўш, ўйлаб кўрайлик. Фарзандимиз катта бўлгач, ундан қандай қилиб ўзбекона ахлоқ-одоб, узун атлас кўйлак кийишни талаб қиламиз. Ахир у «Барби» билан ажралмас дугона эди-ку. «Синдрелла», «Бетти» ва ҳоказолар билан бирга ўсди.

— Тарбиячиларимиз латта-путталардан ясаб қўйган миллий қўғирчоқларимизни болаларимиз кўпроқ ўйнайди, — дейди Олтиариқ туманидаги боғча мудираси Турғуной Пўлатова. — Улар бор жойда бошқа ўйинчоқлар ташлаб қўйилади. Афсуски, кулоллар сайёҳлар учун ясайдиган сопол эсдаликларни ҳисобга олмаганда миллий эртак қаҳрамонларимиз акс эттирилган ўйинчоқларни топиб бўлмайди. Ҳатто чет эл ўйинлари-ю ўйинчоқлари дўкондорларимиз учун даромад орттириш манбаи бўлган тақдирда ҳам бу тарбияга салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Қанчадан-қанча валютанинг чет элга чиқиб кетаётганига эса тадбиркорларимиздан ўпкаланмасдан иложимиз йўқ.

Дунё ғоявий курашлар майдонига айланган. Бутун-бутун миллатлар евромаданият уммонида ғарқ бўлиб кетаётган пайтда миллий ғоя тарғиботининг илк босқичи бўлмиш соҳага эътибор камдек туюлмаяптими? Президентимиз Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги тўйида ҳунармандлар расталари билан танишаётиб, уларга миллий ўйинчоқларни кўпайтириш кераклигини таъкидлаганда айнан миллий ғоя тарғиботи масаласини назарда тутган эди.

Ўзимизнинг самолёту машиналаримизни ишлаб чиқариш, милиция ва ёғоч армиямизни шакллантириш пайти келди. Улар, албатта, миллат маданияти ҳимоясида туриши тайин.

**Улуғбек ИБОДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Ҳуқуқий сабоқ ўрнида



**Сабоғинг, аниқроғи, бирор ҳуқуқий саволга жавобинг ё мақоланг атиги бир кишининг дардига малҳам бўлса, ўзингни бахтиёр ҳис этасан. Аксинча, баъзан дард тўла мактубни ўқиб, маҳзун тортасан, мадад беролмасанг, ожизлигингдан ижирғаниб кетасан. Шукурким, қонунчилик тобора такомиллашиб бормоқда. Кўнглинг бир нарсадан равшан тортади, халқимизнинг ҳуқуқий маданияти юксалган сари, оддий фуқаронинг «нонини туя қилиб бермоқчи» бўлганларга сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолади.**





# Мўлжал аниқ олинса...

## (Хатларга бир назар)



Инсонда ҳамма нарса: юзи ҳам, кийими ҳам, қалби ҳам, фикри ҳам гўзал бўлиши керак деган эди бир рус ёзувчиси. Кишининг чеҳраси, либоси кўзга яққол ташланади, аммо маънавий олами айтган каломида, хатти-ҳаракатида зоҳир бўлади.

«Уйингдаги ахлатни кўчага чиқарма» деган гап бор. Тўғри маънода бу нотўғри. Ахлатни кўчага чиқармай, қаерга чиқаради? Муҳими бунинг кўчма маъноси: оилангда бўладиган ҳар қандай яхши-ёмон гапни кўчага достон қилаверма. Ҳатто ёпиқ суд мажлисида кўрилган можарони ҳам кишилар газетага ёзишади. Газетага ёзилгани — омма билсин дегани.

Ишонч билдириб, бизга мактуб йўллаган газетхондан миннатдормиз. Иложи борича ёрдам қиламиз. «Инсонга наф келтириш — олий бахт» нафақат касаба уюшмаларининг, балки таҳририятимизнинг ҳам шиоридир. Аммо мурожаат қанчалик самимий ва асосли бўлса, бизнинг жавобимиз ва аралашувимиз шунчалик осон кечади.

Пойариқ туманидан С.Тайлоқов: *«Мактабимиз директори бошқа ишга ўтдим деб, ариза ҳам бермай кетиб қолган ходимни 45 кундан кейин яна ишга олди, ишга келмаган кунлари учун ҳам иш ҳақи ёзиб берди, шу тўғрими?»*, — деб ёзибди.

Ходим ўз вазифасини ҳалол ва виждонан бажариши шарт. Унинг вазифалари ички тартиб-қоидаларда, интизом тўғрисидаги низомларда, корхонада қабул қилинган локал ҳужжатларда (жамоа шартномаси, йўриқнома ва ҳ.), меҳнат шартномасида аниқ белгилаб қўйилади. МКнинг 100-моддасига мувофиқ ходимнинг вазифасини бир марта қўпол равишда бузганлиги меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга сабаб бўлади. Узрсиз сабаблар билан ишга чиқмаслик ҳам меҳнат вазифасини бир марта қўпол равишда бузиш ҳисобланади.

Шунингдек, мансабдор ўз ваколатини суиистеъмол қилиши натижасида давлат ва жамоат манфаатига зиён етказганлиги учун ҳам жавобгарлик кўзда тутилган. Бу масала ваколатли идоралар томонидан ҳал қилинади.

Олот тумани Талқонсаёт қишлоғининг Файзиобод маҳалласида яшовчи Рустам Жўраев ўндан ортиқ жойга мурожаат қилганини кўрсатган. Ишдан ноҳақ бўшатилганлиги, турмуш шароити оғирлиги, ҳамма жойда таниш-билишчилик оқибатида унинг арзини ҳеч ким тингламаётганлигини ёзган.

Қисман келтирамиз: *«Фуқаролик ишлари бўйича Қоракўл туманлараро суди жавобгарларга ён босиб, ...менинг ўнлаб далилларимни инобатга олмасдан ишни бир томонлама кўрди. Юқоридагиларни ҳамда оилавий аҳволимни инобатга олиб, Олот иқтисодиёт коллежининг 2007 йил 7 июндаги 48-буйруғи қонун талабларига зид бўлганлиги учун ушбу буйруқни бекор қилишингизни талаб қиламан».*

Аризани ҳуқуқшунос ёзиб берган. Аммо у бош муҳаррир номига ёзилаяпти. У прокурор эмаски, бундай ваколатга эга бўлса.

Аризада МКнинг 89- ва 103-моддалари талаблари инобатга олинмади дейилади. Ахир булар иш берувчининг ходимнинг розилигисиз меҳнат шартларини ўзгартириш ҳуқуқи, иш ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдириш учун бериладиган имтиёз ҳақидаги моддалар-ку. Муҳими, МКнинг 100- ва 102-моддаларига риоя қилинган, яъни ходим икки ой олдин огоҳлантирилиб, меҳнат шартномаси корхона тугатилиши муносабати билан бекор қилинаяпти.

Конституциямизда шахснинг мурожаат қилиш ҳуқуқи сиёсий ҳуқуқ тизимига киритилган. Чунки бу жамият ва давлат ишларини бошқаришга алоқадор масаладир. Биз ариза муаллифига хайрихоҳмиз, аммо аниқ масалани қўймай, шикоят нусхаларини турли ташкилотларга жўнатаверишига қўшилолмаймиз.

Агар бирор жиноят ҳақида хабар бермоқчи бўлсангиз, бунинг ҳам ўз тартиби бор. ЖПКнинг 324-моддасига кўра арз қилувчи жиноят тўғрисида била туриб ёлғон хабар берганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилади ва бу хусусда баённомада қайд қилиниб, унинг имзоси билан тасдиқланади. Ҳа, ҳар бир хабарнинг ҳам масъулияти бор.

Бизга хат жўнатаётганларнинг баъзиларидан «Ishonch»ни ўқийсизми ўзи деб сўрашга тўғри келади. Нарпай туманидан бир киши икки йил илгари бўшаб кетган муҳаррир номига хат юбориб, материалини чиқаришни талаб қилибди. Таҳририят томонидан асосли рад этилган материални чиқаришни талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу қонун талаби.

Шаҳрисабз туманидан хат келди. Баъзи идораларнинг ходимлари шаънига ҳақоратомуз гаплар ҳам бор. Келтирилган фикрлар бирор ҳужжат билан тасдиқланмаган. Идораларга мурожаат қилишнинг ҳуқуқий асослари, судга шикоят қилиш тартиби тўғрисидаги қонунларни титкилай-титкилай каттагина маърифий мақола битдик. У чиққач, кўп ўтмай айнан ўша аризанинг нусхаси келиб турибди. Буни нима деса бўлади?

Сирдарёдан келган хатда аризачи мулкимни олиб бермаган судяни, котибни ишдан бўшатинг, газетада танқид қилиб чиқинг, талаб қиламан деб ёзади. Яхшиси, унинг судга киритган даъво аризаси-ю суд ажримини қисман келтириб, сўнг мулоҳазаларимизни баён қилайлик. Асосий мақсад ҳам қонунни тушунтириш-ку.

*«Мен, Улуғмуродов Муҳаммадбашир, жавобгар Ҳалимова Муҳаббат билан турмуш қурганимдан кейин иккита фарзандли бўлдик. Шу давр мобайнида бизга давлат тарафидан уй-жой берилди. Вақт ўтгандан кейин хотиним Ҳалилова Муҳаббат ... топиб, ҳар хил найранглар қилиб, акаларига мени ёмонлаб... 1993 йилда акалари менинг жонимга суиқасд қилиб, иккинчи қаватдан итариб юборишди. Шундан кейин ўзимни билмайман, мени ота-онам даволатиб ўзимга келтиришди. ... отам мени даволатиш учун беш миллион сўм сарф қилган.*

*Ҳозирги даврга келиб, оила қуриб яшамоқдаман. Шунинг учун менга тегишли бўлган мол-мулкни, яъни 8 хонали уй-жой, 1 та шифонер..., чойнак, пиёла, тилла узук... (18 хил нарсани кўрсатган). Унга ярми, менга ярми тегса ҳам бўлди.*

*Ишни судда кўриш харажатлари жавобгар Ҳалилова Муҳаббатдан ундирилсин».*

Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг ажримида шундай дейилади: *«Улуғмуродов М. судга ариза билан мурожаат қилиб, мол-мулкни бўлишни, уйдан ҳисса ажратишни ва болани олиб беришни сўраган. Улуғмуродов М. ФПКнинг 154-моддаси талабларига риоя қилмай, белгиланган тартибда 2 нусхада даъво ариза, 6210 сўм давлат божи, уй-жойнинг ҳужжатлари, фарзандларининг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси, никоҳ гувоҳномаси, яшаш жойидан маълумотнома, паспорт нусхаси, мол-мулк рўйхатини илова қилмаган».*

Суднинг тўғри талабини бажариш ўрнига турли идораларга шикоят йўллаш оқилликдан эмас. Айниқса, оилавий муносабатларни достон қилиш йигит кишига ярашмайди. Орадан 15 йил ўтиб, ҳуқуқини талаб қилаяпти. Тўғри, шахсий номулкий ҳуқуқларни ва бошқа номоддий бойликларни ҳимоя қилиш, фуқаронинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга даъво муддати жорий қилинмайди. Оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган талабларга нисбатан ҳам даъво муддати қўлланмайди. Аммо «келин»нинг акалари уриб, жиноят содир қилган бўлишса, жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан улар жазодан озод қилиниши мумкин. Энг зарури, вақтида орани очиқ қилган тарафлар янги оилаларининг тинч ва осойишта яшашига имкон яратадилар.

Жиззах шаҳридан А.Убайдуллаев ёзади: *«Мен 2005 йил 9 июнда Жиззах шаҳар Заргарлик маҳалласидаги 17-уйининг 8-хонадонини Ф.Бойхўрозовадан сотиб олган эдим. «Асака» банки шаҳар нотариусига бу уй гаровга қўйилмаганлиги, Ф.Бойхўрозованинг ушбу банкдан қарзи йўқлиги ҳақида хат ҳам берган эди. Ишни менсиз кўриб чиққан фуқаролик суди олди-сотди шартномасини бекор қилиб, уйдан чиқишимни талаб қилаяпти. Маълум бўлишича, уйнинг собиқ эгаси банкдан 3 миллион сўм қарз олиб, тўламай юрган экан. Ҳозир унинг қаердалиги номаълум. Мен қарзни тўлашга розиман. Болаларим билан қиш куни қаерга бораман?».*

Аҳвол балки бошқачадир. Аммо хатга ишонадиган бўлсак, бир нечта қонунбузилиш ҳолатлари бордек кўринади.

Маълумки, мулкни гаровга қўйиш шартнома интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунинг учун банк томонидан берилаётган кредитлар гаров билан кафолатланади. Бу қарздорни зиммасига олган мажбуриятини бажаришга мажбур қиладиган чора.

Гаровга қўйилган мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи ўзгарса, яъни бошқа шахсга сотилса (ФКнинг 313-моддасига асосан талаб қилиш ҳуқуқи ўзгарганда), мазкур мулкка нисбатан гаров ҳуқуқи сақланади. Бу дегани янги мулкдор гаров билан таъминланган мажбурият учун дастлабки мулкдор қандай жавобгар бўлса, худди шундай тартиб ва ҳажмда жавобгар бўлади.

Аммо, хатда келтирилишича, уй гаровга қўйилмаган, уй эгасининг қарздор эмаслиги ҳақида ўша банк хат берган. Бундай ҳолда уйни талаб қилишга банкнинг қандай ҳаққи бор? Кредит шартномасида ўша уй гаровга қўйилганлиги кўрсатилганда бошқа гап эди.

Одатда судлар гаров билан таъминланган шартнома бўйича кредиторнинг талабларини қаноатлантиришда «Гаров ҳақида»ги қонуннинг 12-моддасини қўллайдилар. ФКнинг 228-моддасига кўра, мол-мулк бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиниши мумкин. Аризачи уй-жойга қонуний эгалик қилган бўлса, уй гаровга қўйилмаган бўлса, нега у собиқ уй эгасининг мажбурияти учун жавоб бериши керак? Такрорлаймиз, балки ҳақиқий ҳолат бошқачадир. Биз бу гапларни кишиларни ҳуқуқий мушоҳада юритишга ундаш учун айтаяпмиз, холос.

Фарғона шаҳридан рус тилида келган хатда Н.Абдуллаев шаҳар ҳокимининг қарори билан бошқа уйга кўчирилгани, аммо бу уйнинг қиймати аввалгисидан паст эканлигини ёзган. У шикоят йўллаган ташкилотлари номини бирма-бир келтиради. Эҳ-ҳе! Кишилар қанча кўп жойга ариза жўнатса, масаласи тезроқ ҳал бўладигандек. Шаҳар ҳокимининг қароридан норозимисиз, вилоят ҳокимлигига мурожаат қилинг, вилоят ҳокимининг жавоби сизни қониқтирмаса, яна юқорироқ чиқсангиз арзийди. Муаллиф кўтарган масала мутлақо ваколатига кирмайдиган идоралар ҳам бор.

Биттаси бўлмаса, биттаси тегар деб шикоятни камон ўқидек ҳар тарафга йўналтираверган билан иш битмайди. Хат муаллифи бир мерганким, унинг кимлигини чиройли ов қуроли эмас, мўлжалга олган нишони белгилайди.

**Довуд МАДИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

Учрашув



😐 «Ҳандалак»нинг илк хандалари кулгусеварлар дастурхонига тортилганидан буён ўн марта ҳандалак пишиб ўтди.

😐 Иқтидор билан бирга янгиликларгина санъатнинг умрини узайтиради.

😐 «Ҳар куни ўрганамиз». Мақсад фақат кулдиришми?



# Чироқ ўчиб қолганда

## ёки «Яхшиям «Қовун» эмасмиз...»

Қизиқишим боис турли тоифа ва соҳадаги одамлардан «Ҳандалак» кулгу гуруҳини элга таниқли, севимли қилган жиҳатлар ҳақида сўрадим. Аксарият суҳбатдошлар Ортиқ Султонов билан Зокир Очилдиевнинг ташқи қиёфасидан тортиб ўзларини тутишлари, гап-сўзлари, хатти-ҳаракатларигача оддий, самимий, халқона бўлганлиги билан дилларга яқинлигини таъкидлашди. Ҳақиқатан ҳам кўнгилларни бир-бирига яқинлаштиришда самимийлик, табиийликдан яхшироқ восита бўлмаса керак.

Худо берса қулига, чиқариб қўяр йўлига деганларидек, асли Самарқанд вилоятининг Ургут туманида туғилиб ўсган, Тошкент санъат (аввалги театр ва рассомчилик) институтида таҳсил олган жўралар дўсту қадрдонлар орасида, кичик давраларда ҳаваскорлик қилиб юришарди-ю... Уларнинг катта санъат остонасига қадам қўйишларига, кулгу дарғалари йўлини танлашларига кутилмаган воқеа сабаб бўлган.

— Ўшанда туманимиз марказида катта сайил бўлаётганди, — эслайди Ортиқ Султонов. — Ўндан ортиқ санъаткорлар навбатма-навбат саҳнага чиқиб, қўшиқ айтаётганда бирдан чироқ ўчиб қолса бўладими? Тумонат одам артистларнинг чиқишларини сўраб турибди. Аммо қарангки, ҳаммасининг ижроси фонограммага асосланган экан. Шунда саҳнага таваккал қилиб Зокир иккаламиз чиқдик-да, қарийб бир соат давомида йиғилганларни кулдирдик. Шу воқеадан кейин ўзимизга ишончимиз ортди, пойтахтга келдик.

«Гуруҳнинг номи нима учун «Ҳандалак», «Қовун» ёки «Тарвуз» эмас?» деган саволимга қизиқчилар бири олиб, бири қўйиб жавоб бердилар.

— Кўп ном ўйлаганмиз, — гапни бошлади Зокир. — «Гурунг», «Яхши кайфият»дан тортиб «Қовун»гача. Ҳандалак эртапишар, тансиқ, чиройли, хушбўй бўлганлиги боис...

— Яна бир сабаби бор, — гапни илиб кетди Ортиқ, — биз аввал Самарқанд вилоят телевидениесида хандалар тайёрлаб юрганимизда, эски монтаж аппаратларида кўрсатувни безаш учун ҳар хил эффектлар йўқ эди. Иккаламиз фақат ҳандалакнинг ичидан чиқиб келардик. Ҳозир қаерда бўлмасин, одамлар бизни кўришлари билан «Ана, «Ҳандалак» келаяпти» деб кулишади. Шунда «Яхшиямки, «Қовун» эмасмиз» дейман...

Мухлислар ҳурматини қозонган жиҳатлардан яна бири шуки, «Ҳандалак»чилар арзон кулгу орқасидан қувмайдилар.

— Эл ҳукмига ҳавола қиладиган ҳар бир сўзимиз, хатти-ҳаракатимизни аввало ўзимиз шафқатсизларча чиғириқдан ўтказамиз, — дейди Ортиқ (дарвоқе, у санъатшунослик бўйича номзодлик ишини ёқлаган). — Қолаверса, янги репертуарларимизни аввало тил билимдонларига кўрсатиб, маслаҳат оламиз. Бачкана, ориятсиз, бепарда сўзлардан ўзимизни тиямиз. Агар асарнинг кулгу уйғотадиган юки беибо, андишасиз сўзлар устида турган бўлса, бундай асардан воз кечамиз.

«Иқтидор билан янгиланиш санъатни инқироздан асрайди» — гуруҳнинг шиори мана шундай.

— Янгиликлар топишнинг бош манбаи — халқ орасида бўлиш, одамлардан ўрганиш, — дейди Зокир Султонов. — Қобилияти ноёб, давраларнинг гули бўладиган инсонлар кўп. Ҳаётда шундай кулгули воқеалар учрайдики, уни энг қалами ўткир ижодкор ҳам ёзиб беролмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳаётдан, одамлардан ҳар куни ўрганамиз.

— Янгиликларнинг яна бир чашмаси — мутолаа, — бу Ортиқнинг фикри. — Китоб ўқиш — мен учун хобби.

Ҳаётда кулгу, жиддийлик, теранлик, донолик ёнма-ён яшайди, бир-бирини тўлдиради, умрнинг тўлақонлилиги ҳам шунда. «Ҳандалак» гуруҳи чиқишларини Умар Хайём, Паҳлавон Маҳмуд, Бедил рубоийлари, замонавий шоирларнинг шеърлари безайди, мукаммаллик бахш этади. Зеро, қизиқчи санъаткорнинг мақсади, вазифаси одамларни кулдиришдангина иборат эмас. У дунёдаги энг бебаҳо, шу билан бирга, энг арзон неъмат — жонбахш сўз ва кулгу воситасида жамиятнинг маданий, маънавий савиясини юксалтиради, миллатнинг олийжаноб қадриятларини авлодлар онгига сингдиради. Ҳақиқий сўз устаси, қизиқчи кулгунинг нозик, ўткир тиғлари билан қалблардаги, ҳаётдаги каттами, кичикми иллатларни шундай чилпиб ташлайдики, ундан қолган из ва жароҳатга ҳам кулгудан малҳам қўяди. «Ҳандалак»чилар мана шу масъулиятли ишга ҳисса қўшмоқ учун изланишда. Ўтган йилнинг охирида республикамизнинг энг муҳташам «Халқлар дўстлиги» саройида уларнинг концерти бўлиб ўтди. Саройни тўлдириб, «Ҳандалак»чиларни олқишлаб ўтирган кулгусеварлар юзидаги, кўзларидаги меҳр-муҳаббат, ихлос гуруҳнинг меҳнатлари меваси тўрт фасл ҳам тансиқ, севимли эканлигининг ифодаси бўлса керак.

**Муҳтарама УЛУҒОВА**
**тайёрлади**

---

☺☺☺

**Бир киши улфатига арз қилибди:**

**— Кеча мастликда бўлганимча бўлдим. Энди ичмайман.**

**— Нима гап? — деб сўрабди шериги.**

**— Кечаси билан тинчлик бўлмади. Уйга кириб ётаман, ташқарига чиқариб қўйишади. Уриниб-суриниб яна уйга кираман, қўлоёғимдан судраб тағин ташқарига чиқаришади...**

**— Уйингдагилар жуда ноинсофлик қилишибди...**

**— Ҳамма гап шунда-да, — дебди кўнглини ёрган киши. — Мен бегона уйда эканман.**

☺☺☺

Бир аёл газетага: «Ичмайдиган, чекмайдиган, зарарли одатлардан холи эркак билан турмуш қуриш ниятидаман», — деган эълон берибди.

Эртасига эрталаб аёлнинг эшиги тақиллабди, очиб қараса, бир эркак оғзида сигарет билан мастлигидан чайқалиб турганмиш.

— Мен эълон бўйича келдим, — дебди эркак.

— Ахир мен ичмайдиган, чекмайдиган... — дея сўз бошлаган аёлнинг гапини маст одам шартта бўлиб:

— Биламан, мендан умид қилиб юрманг деб айтгани келувдим, — дермиш у.

☺☺☺

**Дастурхонга иссиқ овқат тортилиб, уни тотиб кўрган оила бошлиғининг пешонаси тиришибди. Таом жуда шўр эди.**

**— Мен одатим бўйича бир сиқимгина туз солгандим, — дебди она.**

**— Мен буни кўрмабман, — тушунтирди қиз, — бир сиқим туз солибман.**

**— Овқат қилишни ўзим бошлаганим учун мендан бошқа одам солмаса керак деб бир сиқим туз ташлагандим, — деб гуноҳкорона оҳангда изоҳ берибди келин.**

**— Назар солиб ўтирсам, ошхонага кирган ҳар бир аёл қозонга бир сиқимдан туз солиб чиқиб кетаяпти, — дея суҳбатга қўшилди меҳмон. — Бу хонадонда шунақа одат бор экан-да деб мен ҳам қозонга бир сиқимгина туз ташлагандим.**

# «Ҳандалак»нинг тилимларидан тотинг



☺☺☺

Ўрмондаги ҳайвонларни ҳарбий хизматга олиш учун тиббий кўрикдан ўтказиш бошланибди. Комиссия қабулига кириб чиққан қуён:

— Олишмади, — дебди афсус билан. — Тишинг иккитагина экан дейишди.

Ҳарбий хизмат деса айиқни ваҳима босар экан, чунки вақтида уйқудан туролмай жарима олишдан, бошқаларга кулгу бўлишдан қўрқаркан.

— Менга қара, — дебди у қуённи бир четга чақириб, — қандай қилсам, ҳарбий хизматга яроқсиз бўларканман?

Қуён айиққа иккитагина тишини қолдириб, бошқаларини синдириб ташлашни маслаҳат берибди ва бу ишда унга ўзи кўмаклашибди. Шундан кейин ўрмон ҳайвонларининг тиббий кўригига кириб чиққан айиқ ғазаб билан бўкирибди:

— Кунингни кўрсатаман, ғилай! Тишларимни синдирмасам ҳам, оёқларим қийшиқ экан-ку!

☺☺☺

Ҳеч меҳмон чақирмайдиган йигитнинг уйига синфдошлари бехосдан бостириб келишибди. Одамгарчиликдан чиқиб кетмасин дейишибди-да! Мезбон уларнинг олдига дастурхон ёзиб, иккита нон билан чой олиб кирибди. Меҳмонлар нонни синдириб ейишаркан, мезбоннинг ўғли эшикни очиб:

— Куркани олиб кирайми? — деб сўрабди.

— Сал кейинроқ, — деб жавоб берибди отаси.

Меҳмонлар курка ҳақида эшитиб, бир-бирларига хурсанд кўз қисишибди, унинг келишини кутиб ўтириб дастурхондаги ноннинг ҳаммасини майдалаб еб қўйишибди.

— Куркани олиб кирайми? — эшикни яна қия очиб сўрабди ўғил.

Бу сафар отаси рухсат берибди. Зум ўтмай бола кўтариб кирган тирик курка дастурхондаги нон ушоқларини териб ебди...

# Олам ва одам

Воқеалар
Тафсилотлар
Шарҳлар



*«France Presse» агентлигининг хабар беришича, сешанба куни Венесуэланинг «Petroleo de Venezuela» компанияси АҚШнинг «ExxonMobil» компаниясига нефт етказиб бериш тўхтатилишини маълум қилган.*

## Манфаатлар тўқнашуви



Расмий хабарда айтилишича, «ExxonMobil»нинг «ҳуқуқий-иқтисодий агрессияси» боис шундай чора кўрилади.

Маълумки, яқинда Буюкбритания Олий суди «ExxonMobil» компаниясининг аризасига биноан Венесуэла нефт компаниясининг 12 млрд. долларлик маблағини музлатиб қўйган эди. Америкаликларнинг судга мурожаат этишига эса Венесуэлада нефт қазиб олиш соҳасининг национализация қилиниши сабаб бўлган. Янги тартибга кўра, ушбу мамлакатда нефт қазиб олиш билан шуғулланаётган компаниялар активининг 60 фоизи давлат ҳисобига ўтади.

«ExxonMobil»дан ташқари Американинг яна бир компанияси — «ConocoPhillips» ҳам Венесуэлани тарк этишга қарор қилган. Кўпгина компаниялар, жумладан, Норвегиянинг «Statoil»и, Франциянинг «Total»и янги шартлар асосида ишлашга рози бўлишган.

*Сешанба куни АҚШ сценарийчилар уюшмасининг умумий йиғилишида аъзоларнинг 92,5 фоизи киностудиялар билан тузиладиган янги битимни ёқлаб овоз беришди. Шу билан уч ой давом этган иш ташлаш якунланди.*

## Фойдали битим




Янги меҳнат шартномасига кўра сценарийчилар битим тузилган пайтдан бошлаб икки йил ичида интернет орқали трансляция қилинадиган филм ва кўрсатувлар учун 1200 доллар миқдорида бир марта тўланадиган мукофот олишади, қолган йиллар учун эса тарқатувчи даромадининг 2 фоизи бериб борилади.

Икки томон ҳам иш ташлаш якунланганидан қониқиш ҳосил қилганини билдирди. Аммо, «Reuters» агентлигининг таъкидлашича, бу хотиржамлик узоқ давом этмаслиги мумкин. Чунки 2008 йилнинг июн ойида АҚШ актёрлар уюшмаси ҳам киностудиялар билан музокарани бошлайди. Иш ташлаш пайтида сценарийчиларни қўллаб-қувватлаган актёрлар ҳам трансляциядан тушадиган даромаддан ўз ҳақларини ажратиб олишмоқчи.

## Ер қаъридаги миллиардлар



Россиянинг «АЛРОСа» олмос қазиб олиш компанияси ўзи аниқлаган қимматбаҳо тошларнинг заҳираси 109,3 млрд. долларга тенг эканлигини маълум қилди. Бу ҳақда «Интерфакс» агентлиги компания президенти Сергей Виборновнинг гапларига асосланиб хабар тарқатди. Ҳисоб-китобларга кўра заҳираларни қазиб олишга 35-40 йил вақт кетади.

2008 йили компания 2,9 млрд. долларлик фойда олишни мўлжалламоқда. Виборновнинг гапига қараганда компаниянинг яқин 5 йил ичидаги капитал харажатлари 5 млрд. долларни ташкил этади.

«АЛРОСа» Россиядаги энг йирик давлат компанияларидан бири ҳисобланади. У мамлакатдаги олмосларнинг 97 фоизини қазиб олади.

## Бош вазир аборигенлардан кечирим сўради



Австралия бош вазири Кевин Радд мамлакат парламентида нутқ сўзлаб, туб аҳолининг бошига қора кунларни солган илгариги барча парламент ва ҳукуматларнинг қилмишлари учун аборигенлардан узр сўради. Уларнинг ўз ерларидан кўчирилиши, ҳар соҳада камситилиши, болаларининг «оқ жамият»га мажбурий интеграцияси шундай қилмишлар сирасига киради.

Бош вазирнинг парламентдаги чиқиши нафақат телевидение, балки пойтахт ва бошқа йирик шаҳарлардаги майдонларга ўрнатилган улкан экранлар орқали ҳам кўрсатилган.

Радд бундай ҳодисалар бошқа қайтарилмайди деб ваъда берган бўлса-да, кўплаб аборигенлар ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчилар бош вазирнинг нутқидан тўлиқ қониқишмади. Чунки унда етказилган зарар учун товон тўлаш тўғрисида ҳеч нима дейилмаган эди.

Ҳозирги пайтда мамлакатнинг 21 миллионлик аҳолисининг 450 минг нафарини аборигенлар ташкил қилади. Улар жамиятнинг энг камбағал ва ижтимоий ҳимоя қилинмаган қисми ҳисобланади.

**Ўзингдан чиққан балога...**



*Бу сарлавҳани ўқиган муштарийлар ажабланиши мумкин. Чунки «сеҳрли диёр» ҳақида кўп эшитганмиз, кўрганмиз. Бироқ бир жиҳат борки, у ҳақда гап кетганда бироз ўйланишга мажбур бўламиз. Бу — таълим-тарбия мавзуси. Таълим-тарбия ва, умуман, илм олиш бутун инсониятнинг асосий мақсадларидан биридир. У хоҳ ривожланган давлатлардан бўлсин, хоҳ қолоқ давлатлардан, мамлакат фуқароларининг яхши таълим олиши орқали тараққиётга эришиш кўзланади. Жумладан, мамлакатимизда ҳам таълим тизими жуда яхши йўлга қўйилган, шу билан бирга, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш тарбиянинг бош мақсади ҳисобланади. Демоқчимизки, мактабда таълим билан тарбия тенгма-тенг олиб борилади. Шунингдек, ота-оналар ҳам фарзандларига тарбия беришда алоҳида рол ўйнайди.*

## Америка фожиаси

Юртимизда таълим тўғрисида қонун, дастурлар ишлаб чиқилган. Буларнинг натижасини ҳозир ёшларимизнинг дунёнинг олд мамлакатларида таълим олаётгани, илмий қобилиятлари билан барчани лол қолдираётганида кўриш мумкин.

Кўпчилик мактаб ва олий ўқув юртлари талабалари ўртасида бир-бирларига нисбатан меҳр шунчалик кучли бўладики, бир умр ошна-оғайни бўлиб, ўзаро борди-келдиларни йўқотмай ҳаёт кечиришади. Энди ана шу дўстликнинг ғайриоддий кўриниши, таъбир жоиз бўлса, «антоним»и АҚШ таълим муассасаларида кейинги пайтларда тез-тез пайдо бўлмоқда. Ҳа, тушунган бўлсангиз керак, гап охирги йилларда америкалик талаба-ўқувчилар томонидан ваҳшиёна қотилликлар содир этилиши ҳақида бормоқда. Хўш, бундай шафқатсизликлар, яъни, ўқувчи-талабаларнинг ўз устозлари ҳамда тенгқурларига нисбатан адовати нима сабабдан юзага келаяпти? Бунга асосий сабаб, бизнингча, тарбиянинг сустлиги, бошқаларга нисбатан меҳр-оқибатнинг шакллантирилмаганлиги, шунингдек, маънавий бўшлиқнинг мавжудлиги бўлса керак. Талаба-ўқувчилар орасидаги жиноятчилик бошқа давлатларда ҳам мавжуд. Лекин, океанорти мамлакатида охирги 10-15 йилда ўз тенгдошлари ва муаллимларига қарата хотиржамлик, совуққонлик билан ўқ отадиган ёш жиноятчилар сони ортиб бормоқда. Мана шу жиҳат ушбу мақолани ёзишимизга туртки бўлди. Қуйида АҚШ ўқув юртларида охирги йилларда содир этилган «энг машҳур» жиноятларни келтириб ўтамиз:

* 1995 йилнинг 14 ноябрида Теннесси штати Линквил шаҳрида истиқомат қилувчи 17 ёшли Жеймс Роуз ўқитувчиси ва бир синфдошини отиб ташлаган. Яна бир муаллим оғир жароҳат олган.

* 1996 йилнинг 17 сентябрида Пенсилвания коллежи талабаси Жилия Робинз ётоқхонада бир дугонасини отиб ўлдирган ва яна икки курсдошини яралаган.

* 1997 йилнинг 1 октябрида Перл шаҳрида (Миссисипи штати) аянчли жиноят содир этилди. 18 ёшли Лак Радхэм аввал онасини, кейин мактабга бориб 2 нафар қизни ўлдирган, 4 кишини жароҳатлаган.

* Орадан 2 ой ўтар-ўтмас Кентукки штати Падука шаҳрилик 14 ёшли ўқувчи Майкл Кернил коллежда қонли «томоша» уюштирган. Оқибатда 3 киши ҳалок бўлган, 5 киши оғир яраланган.

* 1998 йилнинг 24 мартида жонсборолик (Арканзас штати) икки шоввоз — 11 ёшли Э.Голден ва 13 ёшли М.Жонсон жангари филмни роса берилиб томоша қилишган шекилли, қаердандир автомат топиб 4 нафар синфдошини отиб ташлашган. 9 ўқувчи ва муаллим касалхонага ётқизилган.

* Шу йилнинг 21 майида Орегон штати Спрингфилд шаҳрида яшовчи 15 ёшли Кипленд Кинкел аввал ота-онасини(!), кейин мактаб ошхонасида 2 кишини ўлдирган. 23 киши ярадор бўлган.

* 1999 йилнинг 20 апрелида содир этилган жиноят қурбонларнинг кўплиги билан полиция архивида алоҳида қайд этилди. Литтлтонлик (Колорадо) 18 ёшли Э.Харрис ва 17 ёшли Д.Клеболд мактабга кела солиб автоматдан тартибсиз ўқ ота бошлашган. Хунрезлик 15 нафар толиби илмнинг ҳалок бўлиши ва 23 нафарининг касалхонага ётқизилиши билан тугади.

* 2000 йил 29 февралда Мичиган штати Маунт-Моррис шаҳрилик 1-синф ўқувчиси (6 ёшли) ўз тенгдошини отиб ташлади ва АҚШдаги мактаб жиноятлари тарихида энг ёш қотил «рекордини янгилади».

* 2001 йилнинг 5 мартида Санти шаҳри (Калифорния) мактабларидан бирида 15 ёшли ўспирин юқоридаги тенгдошларидан қолишмайдиган жиноятни содир этди. У мактабга келди ва чўнтагидан тўппонча чиқариб 2 нафар ўқувчини отиб ташлади. Яна 13 киши турли даражада жароҳат олди.

* 2003 йилнинг 7 апрелида Нитчиточес шаҳридаги (Луизиана) техника коллежида 1-пара дарслари охирига етмади. Талабалардан бири аудиториянинг ўзида 2 кишини отиб ташлади ва бир курсдошининг касалхонадан жой эгаллашига «ҳисса» қўшди.

* 2005 йилнинг 21 мартида Миннесота штати Ред Лейк шаҳридаги мактаблардан бирида 15 ёшли ўқувчи 9 кишини ўлдирди. 15 нафарини яралади. Охирги ўқни эса ўз бошига жойлаб қўйди.

Ҳаммасидан 2007 йилнинг 17 апрелида содир этилган жиноят ошиб тушди. Виржиния технология университети талабаси, асли келиб чиқиши жанубий кореялик Чо Синхи 32 кишининг ўлимига ва 29 кишининг оғир жароҳат олишига сабаб бўлган. У одатдаги кунларнинг бирида эрта тонгда университет ётоқхонасига кириб талабаларга бирма-бир ўқ уза бошлаган. Орадан 1 соатлар ўтиб хунрезлик аудиторияда давом этган. Охирида Синхи ўзини-ўзи отиб ташлаган. Бу жиноят жаҳон ҳамжамияти орасида шов-шув бўлиб кетди. АҚШнинг кўп штатларида очиқчасига дўконларда қурол-яроғ сотилиши мамлакат раҳбарларини ҳам бироз ўйлантирса, бизнингча, яхши бўлармиди?

Ҳа, ана шундай гаплар. Бир қарасанг, жаҳлинг чиқса, бир қарасанг, раҳминг келади.

Ҳозирги ёшлар орасида америкача тарбиянинг тарафдорлари кўп учрайди. Уларга, қолаверса, шундай тарбияни маъқулловчи ота-оналарга юқорида келтирган мисолларимиз ибрат бўлиши керак.

**Нурбек ЮЛДОШЕВ,**
«Ishonch» мухбири





# Муштарий минбари

— Сизнинг минбарингиз

**«Ishonch» газетасининг 10 январдаги сонида чоп этилган «Турсунбой кимга ёқмай қолди?» сарлавҳали мақола менда қизиқиш уйғотди. Ўзим ҳам шунга ўхшаш ҳолатга тушганим боис қўлимга қалам олишга жазм этдим.**

## Ноҳақ ишдан бўшатилдим

*Таҳририятга хат*

*1-тоифали ўқитувчиман. Кўп йиллар шу соҳада ишладим. 2004 йил 1 июнда Самарқанд вилоят таълим марказига физика ва информатика фани услубчиси вазифасига ишга қабул қилиндим. Фаолиятимда бирор жиддий камчиликка йўл қўйганимни эслай олмайман. Ҳамма вақт зиммамдаги вазифаларни ўз вақтида бажариш ва малакамни ошириш ҳаракатида бўлганман.*

*Аммо вилоят таълим маркази маъмуриятининг мен билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиши кутилмаган воқеа бўлди. Маъмурият томонидан Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига асосан чиқарилган «Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида»ги буйруқ 2007 йил 11 июлда почта орқали етказилди. Меҳнат дафтарчамни эса қонунда белгиланган уч кунда эмас, чамаси икки ой ўтгандан кейин олдим.*

*Таълим маркази директори М.Равшанованинг нотўғри хатти-ҳаракатидан норози бўлиб вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгашига мурожаат этдим. Тармоқ касаба уюшмаси кенгаши юристи менга вақт ўтганлиги ва энди фойдаси йўқлигини айтгандан сўнг фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судига ариза бердим. Аммо М.Равшанова суд жараёнига тегишли меъёрий ҳужжатлар тўпламини ҳар хил сабабларни-баҳона қилиб, тақдим этмай вақтни чўзиб келаяпти.*

*Мана, ўн ойдан бери раҳбариятнинг айби билан ишсизман. Уч нафар фарзандим бор. Уларнинг таъминоти менинг бўйнимда. Ноҳақ ишдан бўшатилганим оиламни иқтисодий қийин аҳволга солиб қўйди. Бу ҳолатга адолатли баҳо бериб, вазифамга тикланишимга ёрдам кўрсатадиган ташкилот бормикан?!.*

**Ғафур ҲАЙИТБОЕВ,**
**Самарқанд вилояти**



## Бемаҳал отилган ўқ

*Жаҳл келса...*

1951-1955 йиллари Тошкентдаги педагогика билим юртида ўқиб юрган вақтларимизда, ҳар йили кузда Бекобод туманига пахта тергани бориб, икки-уч ойлаб қолиб кетар эдик. Бир куни кечқурун бир дўстим ҳовлиқиб келиб:

— Ҳой, биласизларми, бир маст одам хотинини отиб қўйибди. Ҳаммаёқда мелиса. Кўчага чиқманглар, — деб ётиб олди.

Эртасига эшитсак, рост экан. Бир неча кундан кейин биз Тошкентга қайтдик.

Орадан бир неча йил ўтиб яна ўша ерга теримга борсак, қишлоқ анча обод бўлган, кишилар ҳам хушмуомала.

Биз бир гуруҳ эркаклар маҳалла чойхонасига қўндик. Эртасига теримга чиқдик. Иш бир маромда кетар эди. Бир куни ишдан кейин тарозибонимиз Неъмат ака бизни меҳмонга таклиф этди. Икки киши бордик. Ҳовли эшигини тақиллатсак ичкаридан аёл кишининг «ҳозир» деган овози эшитилди. Эшикни очиб:

— Киринглар, кираверинглар. Неъмат акам ҳозир келади, — деб бизни уйга таклиф этди. Ўзи олдинда оқсаб-оқсаб ичкарига бошлади. Зум ўтмай уй эгаси ҳам келди. Ҳовлидаги кароватга ўтирдик. Чой-пой, оби-овқат дегандек анча қолиб кетдик. Ҳалиги аёл ва Пирмат, Шермат, Ҳасан, Ҳусан ўғиллари анча хизмат қилди. Вақт кеч бўлгач, фотиҳадан сўнг биз қайтдик.

Бизни кузатиб ташқарига чиққанида Неъмат акадан:

— Сизга, оилангизга раҳмат. Лекин аёлингиз анча қийналди, нима сабабдан оқсайди? Туғмами ёки бир воқеа бўлганми? — деб сўрадим.

У киши бир қўлини силтаб, ўйланиб турди-да:

— Буни эртага далада айтаман, — деб бизни кузатиб қўйди.

Қисқаси, эртаси далада дам олишимизда бизни ёнига ўтқазиб ҳикоясини бошлади:

— Укалар, ёш эдим. Шу оқсаб юрган янгангизга уйландим-у бирин-кетин учта қиз туғилди. Хафа бўлиб, кайф устида оёғидан отиб қўйдим. Ҳушидан кетиб йиқилди. Тезда шифохонага олиб бордик. Тузалди. Аммо шу кўрганларинг, оқсаб юрадиган бўлиб қолди. Шундан сўнг тўрт ўғлим туғилди. Аёл чўчиса шундай ҳодисалар ҳам содир бўлар экан. Халқимизда мақол бор: «Отилган ўқ танани, ёмон сўз юракни жароҳатлайди».

Қиссадан ҳисса шуки, укаларим, сизлар ёшсизлар, бир-бирларинг билан иноқ дўст бўлинглар. Уйлансаларинг аҳли аёлларингга меҳрибон бўлиб умргузаронлик қилинглар.

**Миробиддин**
**ҚУРБОНБОЕВ**

## Энг катта хонлик



*Мушоҳада*

Овқатланиш учун дастурхон атрофига йиғилдик. Таомни еб бўлганимиздан сўнг бувим дастурхонга фотиҳа ўқиш учун кафтларини очди. Ҳамма бараварига бош эгиб, кафтларига қаради. Юзларга фотиҳа тортилди. «Омин, Оллоҳу акбар». Кичик укам синчковлик билан бу ҳолни кузатиб: «Дастурхон — энг катта хонлик бўлса керак. Чунки бир пайтлар ҳатто хонлар, беклар ҳам унга бош эгишган-ку», — деб қолди. Дарҳақиқат, унинг гапларида жон бордек.

Ўйлаб қолдим. Чиндан дастурхон табаррук нарса. Кишилар қўл-бетларини ювиб покланишади. Уни босиб ўтишни, ёнида ножўя ҳаракатлар қилиб, ҳар хил гаплар гапиришни ота-боболаримиз қадим-қадимдан гуноҳ санайдилар.

Дастурхон. Бунинг асил маъноси нима экан? Менимча, овқатланиш учун йиғилганлар орасида энг катта киши бисмиллоҳ деб овқатга қўл узатади ва шундан кейингина бошқалар ҳам қўшилади. «Даст» — форсча қўл дегани. Агар таомга даставвал хон, яъни энг мартабали ёхуд ёши улуғ одам қўл уриши рост бўлса, демак дастурхон сўзининг маъносини шу мантиқ орқали ҳам изоҳласа бўлади. У доим инсоният билан бирга. Бундан аввал ҳам, ҳозир ҳам у халқнинг тўй-маъракаларида хизматда.

Кимнинг дастурхони ноз-неъматга тўла, кимдир эса бундан бенасиб, лекин ҳар икки ҳолатдаям дастурхон бирдек қадрли. Унутмайликки, асрлар давомида қадрлаб, ҳурмат билан қаралган дастурхонимиз бундан кейин ҳам ҳамиша эъзозда бўлсин.

**Дилобар ЖЎРАЕВА,**
**журналист**

***Ўзбекистонни бутун жаҳон тан олиб, узвий алоқаларни йўлга қўяётганидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Шу тариқа биз ўзбек эканлигимиздан ғурурланиб яшаймиз.***

## Ўз тилимизни унутмайлик

*Оғриқ нуқталар*

Бир-биримизга бўлган ҳурмат бошқа миллат вакилларининг ҳавасини келтиради. Лекин гуруч курмаксиз бўлмайди деганларидек, ҳануз айрим жойларда ўзбек тилига эътибор сустлиги кишини ранжитади. Бундай ҳолатлар шифохона ва ташхис марказларида кўпроқ учрайди. У ерларга умид билан борган беморлар ноаниқ хулосалардан сарсон. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 18 йил бўлганига қарамасдан иш юритиш ҳамон рус тилида эканлиги ачинарлидир. Айни вақтда Деновда 300 мингдан ошиқ киши яшаса, аҳолининг 70-80 фоизини ўзбеклар ташкил этади. Қолганлар тожик ва бошқа миллатга мансуб инсонлар. Улар ҳам ўзбек тилини тўлиқ билишади.

Иссиқ жоннинг иситмаси бўлади деганларидек, касаллик туфайли шифохонага борасиз. Врачлар ўз навбатида касалликка аниқ ташхис қўйиш учун ултратовуш текширувидан ўтишни тавсия этади. УЗИ ташхис аппаратлари Деновда кўп. Уларга борадиган беморлар эса берилаётган хулосалардан қониқиш ҳосил қилмаяпти. Чунки улар рус тилида ёзилади. Унинг моҳиятига фақат шифокор тушунмаса бошқалар умуман тушунмайди. Бунга мисол тариқасида Олтинсой тумани Яккатут маҳалласида яшовчи Адолат Бобомуродовага берилган УЗИ ташхис хулосасини келтириш мумкин. Уни врач С.Абраева берган. Мана сизга палапартишлик.

«Давлат тили тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасида Ўзбекистонда муассаса, корхона, ташкилот ва бирлашмаларда иш давлат тилида юритилади дейилган. Хўш, соғлиқни сақлаш тизимига қарашли ташхис марказларида нега қонунга риоя этилмайди? Ўзбек тилида иш юритиш шунчалар қийинми?

**Ўрол БЕКМУРОДОВ,**
**Денов тумани**

## Устоз



*Онадек меҳр-ла бошимиз силаб,*
*Ўғлим деб, қизим деб савод ўргатган.*
*Нурли келажакнинг эртаси сиз деб*
*Жажжи қўлимизга қалам тутқазган.*

*Афлотун, Беруний, Искандарнинг ҳам*
*Саводин чиқарган оддий муаллим.*
*Форобий, Кубродек донишмандлар ҳам*
*Устозлар қўлида олганлар таълим.*

*Биримиз инженер, муҳандис, олим*
*Ё донгдор қурувчи, қўли гул боғбон.*
*Қай бир касб эгаси бўлмайлик доим*
*Устоз, тилагимиз — бўлинг соғ-омон.*

**Нилуфар АННАЕВА**

## «МУШТАРИЙ МИНБАРИ» КУПОНИ №____

Фамилиянгиз____________
Исмингиз____________
Отангизнинг исми____________
Туғилган йилингиз____________
Манзилингиз____________
____________
Иш(ўқиш) жойингиз____________
____________
Қайси мавзуда чиқиш қилмоқчисиз?____________
____________



**Спортимиз юлдузлари**

# Умид АҲМЕДОВ:
# «Тақдиримдан нолимайман»

***Ҳамюртимиз, армрестлинг бўйича бир неча карра жаҳон чемпиони Умид Аҳмедов ҳақида эшитмаган спорт ишқибози кам бўлса керак. У терма жамоанинг етакчи спортчиси бўлиш билан бирга Сирдарё вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббий. Аҳмедовнинг шогирдлари орасида кучли спортчилар ҳамда умидли ёшларни учратиш мумкин.***

***Ҳаёт ҳар кимга ўз туҳфасини тақдим қилади. Болалигида Умиднинг оёқлари жароҳатланди ва қўлтиқтаёқ билан юришга мажбур бўлди.***

***Бироқ у тушкунликка тушмади. Шифокорларнинг тавсиясига кўра, спорт билан шуғулланишга киришди.***

— Тақдиримдан асло нолимайман. Бу ҳам ҳаётнинг бир синови. Шунинг учун дардни ҳеч қачон кўнглимга олмаганман ёки ўзимни ногирон деб ҳисобламайман, дейди Умиджон биз билан суҳбат давомида. — Аксинча, спорт туфайли ўз йўлимни топдим. Армрестлинг бўйича республикамиздаги энг тажрибали мураббий Қурбон Қўнишевдан спорт тури синоатларини ўргандим. Яхши натижаларни қайд этиб, терма жамоа сафида кўплаб давлатларга бордим. Армрестлинг бўйича бир неча бор жаҳон чемпиони бўлиш насиб этди. Президентимиз Фармонига кўра 2000 йил «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи» унвонига сазовор бўлдим. 2005 йилда «Жасорат» медали билан мукофотландим...

***— Умид ака, ортда қолган 2007 йил сизда қандай таассурот қолдирди?***

— Хабарингиз бор, Болгариянинг Велико-Терново шаҳрида армрестлинг бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати ташкил этилди. Мусобақада терма жамоамиз тўлиқ таркиб билан иштирок эта олмади. Сўнгги паллада ҳомийлар, аниқроғи, «Zeromax» фирмаси кўмагида уч нафар спортчи Болгарияга йўл олдик ва жаҳон чемпионатида иштирок этдик. Фарид Усмонов ўта оғир вазн тоифасида олтин ва кумуш, Фарҳод Худоёров эса 100 кг.да кумуш ва бронза, мен эса 90 кг. вазнда олтин медалларга эришдик. Мусобақада 48 та давлатдан спортчилар ўз омадларини синаб кўришганини инобатга олсак, бу катта муваффақиятдир.

***— Армрестлинг — ўз оти билан қўл кураши. Яъни, билаги зўр полвон рақибларини доғда қолдириб, ғалабага эришади. Ўзбекистон спортчилари жаҳон ва қитъа мусобақаларида юқори натижаларга эришаяпти. Ютуқларнинг сири нимада?***

— Авваламбор, бу истиқлол шарофати. Спортчиларга яратилаётган шароитлар, эркинликлар самараси. Армрестлинг республикамизнинг бир нечта вилоятларида яхши ривож топяпти. Демак, мураббийларимиз ишни тўғри олиб боришяпти. Уларнинг шогирдлари, яъни терма жамоа аъзоларидан ҳам бир нечтаси бугун мураббийлик қилишмоқда. Бу эса рақобатнинг кучайишига ва ҳар йили янгидан-янги чемпионларнинг кашф этилишига ҳисса қўшяпти. Қолаверса, тарихдан маълумки, ота-боболаримиз ҳам полвонлиги билан донг таратишган. Яъни, юртимиз йигит-қизлари ҳеч кимдан кам эмас.

***— Икки оғиз Республика ва вилоят федерациялари фаолияти ҳақида фикр билдирсангиз...***

— Республика армрестлинг федерацияси бош котиби, устозимиз Қурбон Қўнишев ҳомийлар топиш, вилоятлардаги истеъдодларни терма жамоага жалб қилиш, мураббийлар маҳоратини ошириш ишларида самарали ишлаяпти.

Сирдарё армрестлинг федерацияси эса вилоят ҳокимининг фармойишига кўра, «Таъминотсавдо», «Матлуботсавдо» ташкилотлари федерацияга бириктириб қўйилган...

Қувончли томони, ёшларимиз Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпионати мусобақаларида муваффақиятли иштирок этишяпти. Хоҳлардимки, ҳомийларимиз, вилоят мутасаддилари ёш чемпионларни қўллаб-қувватлашсин.

Қолаверса, бошқа спорт турлари бўйича ҳам эътибор зарур, деб ўйлайман.

Ҳозир спорт жадаллик билан ўсяпти. Сусткашлик натижага таъсир этмасдан қолмайди. Шундай экан, шогидларимнинг мусобақаларда қўлга киритаётган ғалабалари учун уларга раҳмат айтмоқчиман.

***— Умид ака, 2008 йилда кутилаётган мусобақаларга тўхталсангиз...***

— 2008 йилги тақвим-режага асосан, март ойида Ўзбекистон чемпионати ташкил этилади. Майда эса Навоий вилоятида Осиё чемпионати ўтиши режалаштирилган. Энг асосий мусобақа эса ноябр ойида Канаданинг Торонто шаҳрида бўладиган жаҳон чемпионатидир.

***— Сизни Паролимпияга ҳозирлик кўраяпти, деб эшитдик...***

— Ҳа, Ўзбекистон Паролимпия миллий ассоциацияси мени 2008 йил Пекинда ўтадиган Паролимпия ўйинларида эшкак эшиш бўйича омадимни синаб кўришни таклиф этди. Айни пайтда ушбу нуфузли мусобақага ҳам ҳозирлик кўряпман.



***Умид Аҳмедов ҳақида унинг мураббийи Қурбон Қўнишевнинг фикрлари билан мақоламизни тугаллашни лозим топдик.***

— Умиджонни 1996 йилдан бери яхши биламан. - сўз бошлади Қурбон ака. — У турнирларда ўзини кўрсатиб, мураббийларнинг эътиборини тортди ва шу йилиёқ Ҳиндистонда ўтган жаҳон чемпионатида қатнашди. Гарчи халқаро тажрибаси кам бўлса-да, Умид жаҳон чемпионатидан бронза медали билан қайтди. Йилдан-йилга мусобақаларда ўз маҳоратини ошириб борган Аҳмедов бугун жаҳоннинг энг кучли армрестлингчиларидан саналади. Ғалабага ишончи доимо юқори бўлган бу спортчи камчиликлар устида ишлашдан чарчамайди. Рақибларини ўрганади.

Маҳоратли спортчи бугун устозлик соҳасида ҳам яхши кўрсаткичларга эришяпти. Шогирди Фарид Усмонов — жаҳон чемпиони. Шунингдек, мамлакат чемпионлари Муҳаммаджон Қурбонов, Шерзод Раҳмоновга бемалол халқаро майдонларда ҳам ишониш мумкин.

Дарвоқе, Умид Аҳмедов Сирдарё вилоят касаба уюшмалари бирлашмасига қарашли яккама-якка кураш турларига ихтисослашган Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ўқувчиси бўлган.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Камолиддин Оқбўтаев спортнинг фидойиларидан. У кишининг Сирдарёда ушбу спорт турининг ривожига ҳиссаси катта. Спорт мактабидан кўплаб чемпионларнинг етишиб чиққани эса касаба уюшмаларининг ҳам ютуғидир...

***Суратда: У.Аҳмедов (ўнгда)***

**2008 йил – Ёшлар йили**

# Баҳодир йигит



***Ҳар биримиз фарзанд кўрсак, яхши, солиҳ инсонлардан бўлишини истаб чиройли исм танлаймиз. Ориф ака ўғилли бўлганида унинг полвон йигит бўлиб камолга етишини ният қилди ва Баҳодир деб исм берди.***

Баҳодир шўх, озгина ўжар табиатли бўлиб вояга етди. Фарзандининг тарбиясини ўйлаган ота уни бирор спорт тўгарагига беришни орзу қилди.

Шундай қилиб, Баҳодир укаси Беҳзод билан ўзи ўқийдиган мактабнинг спорт залига, мураббий Суннат Бўриевнинг каратэ машғулотларига қатнай бошлади...

Каратэ кўпчиликнинг наздида уриш ва тепишдан иборат жанговар спорт тури ҳисобланади. Лекин мусобақаларни кузатсангиз, бунинг аксини кўрасиз. Бугун юртимизда каратэнинг инсон саломатлиги учун хавфсизлаштирилган шотокан йўналиши оммалашган. Унда рақибга йўлланаётган зарбалар техникаси чиройли чиқса очко ишланади. Зарбнинг қаттиқ чиқмаслигига ҳам эътибор берилади. Айниқса, каратэнинг ўзига хос фалсафаси туфайли спортчи маънавий тарафдан ҳам камолга етади.

Шу ўринда эслатиш жоизки, Қашқадарё вилояти каратэчилари ҳар гал республика биринчилиги ва кубоги баҳсларида умумжамоа ҳисобида юқори ўринлардан жой олиб келишган.

Вилоят терма жамоаси бош мураббийси Алишер Содиқов ёрдамчилари билан ҳар бир йирик мусобақага жиддий ҳозирлик кўради. Шу боис вилоятдан София Каспулатова, Нодир Хўжаев, Лусия Байбулатова каби жаҳон кубоги ғолиблари етишиб чиққан.

Алалхусус, ўйинқароқ Баҳодир машғулотларда тобланиб борди. Косон шаҳридаги нефт ва газ саноати коллежининг 2-курсида ўқиётган қаҳрамонимиз, икки йилдирки, каратэ сабоқларини билим масканининг спорт залида мураббий Жасур Эгамбердиевдан ўрганмоқда.

Косон тумани жамоаси таркибида вилоят биринчилигида ўзини кўрсатган Баҳодир Деҳқонов мураббийлар эътиборини тортди ва Ўзбекистон чемпионати олдидан уни Қаршидаги «Бек» каратэ клубида ўтказиладиган йиғинга таклиф қилишди.

8 — 10 феврал кунлари эса Тошкентдаги «Жар» спорт мажмуида ўсмирлар ва қизлар ўртасида каратэ бўйича 8-Ўзбекистон биринчилиги ташкил этилди. Унда 800 дан ошиқ каратэчилар (1990 — 2000 йилларда туғилган) ўз вазн тоифаларида татамига чиқишди.

Баҳодир 1990 — 1992 йилларда туғилганлар ўртасида жамоа кумитэ бўйича Қашқадарё вилоят терма жамоаси таркибидан ўрин олганди.

Жамоа кумитэнинг қоидаларини яхши биласиз, учтадан каратэчи рақиб жамоасидаги уч спортчи билан татамига чиқади. Қайси жамоанинг қўли баланд келса, кейинги босқичга чиқади.

Қашқадарё вилояти жамоаси саралаш босқичларидан яхши ўтди. Ярим финалда жиддий рақиб ҳисобланган Тошкент шаҳри жамоасини мағлуб этиб, финалда яқиндагина «Қорбобо кубоги»да ғалаба қозонган самарқандликлардан устун келди.

Мусобақадан зафар билан қайтган Баҳодир яна машғулотларга шўнғиган. Зал каратэчиларнинг шиддатидан титрайди...

***Суратда: Б.Деҳқонов (чапда)***

*Саҳифани Акмал АБДИЕВ тайёрлади*

Руҳий тест



**Буни билмоқчимисиз? Унда қуйида келтирилган 11 та саволга «ҳа» ёки «йўқ» жавобларидан бирини танланг.**

# Сиз билан муомалада бўлиш ёқимлими?

## Тест саволлари:

**1.** Сиз гапиришга нисбатан тинглашни ёқтирасизми?
**2.** Сиз ўзингиз танимаган нотаниш одам билан ҳам суҳбатлашиш учун мавзу топа оласизми?
**3.** Сиз доимо ўз суҳбатдошингизни диққат билан тинглай оласизми?
**4.** Сиз ўзга кишиларга маслаҳатлар беришни ёқтирасизми?
**5.** Суҳбат мавзуси Сиз учун қизиқарсиз бўлса, у ҳолда буни суҳбатдошингизга ошкора қиласизми?
**6.** Агар суҳбатдошингиз Сизни тингламаётган бўлса, жаҳлингиз чиқадими?
**7.** Сизда ҳар қандай масала бўйича ўз фикрингиз борми?
**8.** Суҳбат мавзуси Сиз учун нотаниш бўлса, унда суҳбатни даврада давом эттира оласизми?
**9.** Сиз ҳамманинг нигоҳида, диққат марказида бўлишни ёқтирасизми?
**10.** Сиз етарли даражада билимга эга бўлган, энг камида учта предмет асосини эгаллаганмисиз?
**11.** Сиз ўзингизни дилкаш инсон ёки яхши нотиқ деб ҳисоблайсизми?

## Тест калити:

**«Ҳа»: 1, 2, 3, 6, 7, 5, 8, 9, 10, 11; «Йўқ»: 4, 5.**

***Тест калитига мос тушган жавоб 1 баллга тенгдир. Барча мос келган жавоблар қўшиб чиқилади.***

**0:3 баллар —** *Сиз билан муомалага киришиш ниҳоятда қийин, ёқимли эмас, ҳатто баъзида бу жараён оғир кечади. Шунинг учун гоҳида одамлар Сиздан иложи борича узоқроқ юришга ҳаракат қиладилар. Айрим саволлар пайдо бўлса ҳам Сиздан ёрдам сўрамайдилар. Сиз одамлар билан муомала қилишни билмайсиз.*

**4:9 баллар —** *Сиз хушмуомала, хушёр ва ёқимли суҳбатдошсиз, лекин кайфиятингиз ёмон бўлган пайтларда ўз руҳий ҳолатингизни бошқара олмайсиз. Бу эса ўз навбатида паришонхотирликни келтириб чиқаради.*

**10:11 баллар —** *Сиз жуда ёқимли суҳбатдошсиз, зийраксиз. Суҳбатдошингизнинг кайфиятидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда муомалани ташкил эта оласиз. Аммо уни жуда ҳам ошириб юборманг.*

## Эълон!

Тошкент Ахборот Технологиялари Университети томонидан 2005 йилда Михайлов Никита Евгеньевич номига берилган №45-Т-414 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади**

# Сканворд




Жазога ҳукм қилиш учун келтирилган бир гуноҳкорга подшоҳ шундай деди:

— Мулозимларим сенга 2 дона қути, 20 дона чарм тўп беришади. Тўпларнинг 10 донаси қора, 10 таси оқдир. Сен бу тўпларни қутига жойлайсан. Кейин мен ёнингга келиб, қопқоқлари беркитилган қутилардан бирини танлайман. Сўнгра, танланган қутидан кўзимни юмиб бир дона тўп оламан. Олган тўпим оқ бўлса, яшайсан. Акс ҳолда сени ўлимга ҳукм қиламан.

*Савол: сизнингча, маҳбус қутиларга тўпларни қандай жойлаши лозим?*

Бир кема ҳалокатидан кейин тирик қолган тўрт йўловчи денгиз ўртасидаги бир оролчага тушиб қолишди. Оролча тамоман қуриган ўт-ўланлар билан қопланган эди.

Йўловчилар бир кун эрталаб уйғониб, чақмоқ тушиб, оролчадаги қуриган ўсимликлар ёниб, улар томон кела бошлаганини кўрдилар. Маълум вақтдан кейин ёнгин бутун оролни ёқиб кул қилди, лекин тўрт йўловчи омон қолишди.

Улар бунга қандай эришдилар?

*Эслатма: улар ёнгин пайтида денгизга тушмаган ва қоя, тош каби жисмларнинг устига чиқмаган.*

*Бу савол Австралияда қўлланиладиган ёнгиндан омон қолиш усули билан боғлиқ.*

## Мўъжизалар

**Олимларни ҳайратга солувчи энг ғаройиб истеъдодлар орасида ер остини бевосита кўриш лаёқати ҳам бор. Канадалик корчалон Раул Дерозе ана шундай кишилардан эди. У ҳар иккала биқинида, пастки қовурғалар остидаги ўткир ва санчиқли оғриқдан азоб чекарди...**

# Ер остини кўрувчи одам

Дерозе бир ҳафтача ҳапдори ютиб юргач, бир қариндошини кўриш учун Квебек шаҳрига келиб қолди. Қариндоши сув етишмаслигидан мол боқишга қийналаётганини айтиб зорланди. Орадан бир неча дақиқа ўтиб, иккови омборлар ортидаги очиқ даладан ўтиб боришаётганида Дерозени яна оғриқ безовта қила бошлади. Шунда у қариндошига ўгирилиб: «Нега бундай гапираётганимни сўраб ўтирма, барибир тушунтириб беролмайман, лекин ер ости дарёси устида турганимни сезиб турибман. Бу ерда сув жуда ҳам мўл. Дарё 70 фут чуқурликда, қалинлиги уч дюмли сланец қатлами бўйлаб оқади...» деди.

Орада уч ҳафта ўтгач, Дерозе кўрсатган жойда дастлабки қудуқни бурғулашди. Ер остидан тоза ичимлик суви қудратли фаввора бўлиб отилди. Дерозе бор-йўғи бир футга адашган, сувли қатлам шунча чуқурликда экан.

## Тадбир

# Навоийхонлик кечаси

**Самарқанд гарнизони офицерлар уйида Сержантлар тайёрлаш мактаби курсантлари иштирокида навоийхонлик кечаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ходимлари Ориф Хожи, Дилмурод Санжар ҳамда маҳаллий телерадиокомпания журналистлари қатнашишди.**

Тадбирда улуғ шоир ҳаёти ва ижоди, қолдирган бой адабий мероси ҳақида сўз юритилди. Навоий шеърларидан намуналар ўқилди. Хонандалар Дилрабо Ғуломова ва Жўрабек Назаров ижросидаги шоир ғазаллари билан айтилувчи қўшиқлар кечага ўзгача файз бағишлади.

**Ўз мухбиримиз**

# Мунажжим башорати

**(18-17 феврал)**

**ҚЎЙ**
Иш жойингизда янги ғоя ва режаларингиз ижобий натижасини беради. Анчадан бери кўришмаган дўстлар билан учрашасиз. Янги уйга кўчиб ўтасиз. Аммо маблағ масаласида шошилмасдан иш кўринг. Дам олиш кунларини дўстлар ва яқинларингиз даврасида ўтказинг.

**БУЗОҚ**
Омад сизнинг ҳамроҳингиз бўлади. Саёҳатга чиқиш ва ўз дунёқарашингизни янада кенгайтириш учун жуда қулай пайт. Оилангизда муаммолар келиб чиқади. Лекин сиз уларни тез ва осон ҳал этасиз. Оптимистик руҳ сизни тарк этмасин. Маблағингиз янада ортади.

**ЭГИЗАКЛАР**
Асосий вақтингизни ўқишга ва илм олишга қаратинг. Номзодлик ишларини осонликча тугатиб оласиз. Раҳбарингиз назарига тушасиз. Диққатингизни бир жойга жамланг. Спорт билан оилавий шуғулланинг. Яқинларингиз даврасида бўлинг.

**ҚИСҚИЧБАҚА**
Таваккал ўйинлардан сақланинг. Агар қарзларингиз бўлса улардан халос бўлинг. Ҳафта романтик учрашувларга бой бўлади. Умр йўлдошингиз билан келгусидаги режаларни муҳокама қилиш вақти етди. Фарзандларингиз соғлиғи ҳақида қайғуринг. Шаҳардан четга чиқиб дам олиш сизнинг кайфиятингизга тетиклик бахш этади.

**АРСЛОН**
Хизмат сафарларига чиқиш, шартномалар тузиш олдиндан тузилган режаларингизнинг амалга ошишига сабаб бўлади. Асосий эътиборни уй-рўзғор юмушларига қаратинг. Таваккал ўйинлар, қимор ва казиноларга боришдан сақланинг. Маблағингизни бекорга сарфламанг.

**ПАРИЗОД**
Шахсий гигиена қоидаларига қатъий амал қилинг. Шунда грипдан нари бўласиз. Бу ҳафта сизга романтик учрашувлар тақдим этади. Кутилмаган совғалар оласиз. Дил изҳорлари, тасодифий танишувлар, севги-муҳаббат бобида янгиликлар бўлади. Кўчмас мулк эгаси бўласиз.

**ТАРОЗИ**
Уй-рўзғор ишларида масъулиятли бўлинг. Фарзандларингиз соғлиғига эътибор қаратинг. Маблағ билан боғлиқ тижорат ишларида таваккал қилинг, омад сизга ҳамроҳ бўлади. Таъмирлаш ва янги уй сотиб олиш жуда муваффақиятли ва кўнгилдагидек кечади.

**ЧАЁН**
Оилавий муаммоларни ҳал этиш вақти келди. Яқин қариндошларни, оила аъзоларингизни, дўстларингизни совғалар билан сийланг. Кутилмаган танишувлар, романтик учрашувларга тайёр туринг. Фарзандларингиз билан тоғ ён бағрига дам олишга чиқинг.

**ЎҚОТАР**
Анчадан буён кўрмаган синфдошлар, курсдошлар билан учрашасиз. Атрофдагилар билан муомала қилишда интизомли бўлинг. Денгиз сувлари солинган ванна қабул қилинг. Бу сизни зўриқишлардан халос этиб, кайфиятингизни кўтаради. Маблағингиз кутилмаган ҳолда ўсиб боради.

**ТОҒ ЭЧКИСИ**
Ечимини кутаётган муаммолар ҳақида қайғуринг. Диққатингизни бир жойга жамлаб иш тутинг. Бу эса маблағингиз кўпайишига сабаб бўлади. Имиджингизни ўзгартиринг. Бўш вақтингизда гўзаллик салонларига, сартарошхоналарга ташриф буюринг. Кутилмаган совғалар оласиз.

**ҚОВҒА**
Янги буюмлар, кийим-кечаклар харид қиласиз. Бироз муддат ёлғиз қолинг. Бу сизга ички дунёнгизни тушунишга, ижодий иқтидорингизни намоён этишга, куч ва ғайратингизни тиклаб олишга ёрдам беради. Жисмоний меҳнат билан шуғулланинг. Хизмат сафарлари режалаштирилган натижани беради.

**БАЛИҚ**
Ўтган кунларни ёдда тутинг. Ёлғизланиб қолманг, дўстлар ва яқинларингиз даврасида бўлинг. Иш жойингизда мартабангиз ошади. Раҳбарингиз эътиборига тушасиз. Берган ваъдаларингизни бажаришга ҳаракат қилинг. Шунда атрофдагиларнинг сизга бўлган ишончи ортади. Спорт билан шуғулланинг.



**Ёш раққоса**
И.ҲАСАНОВ олган сурат

## Ширинтойларга

*Тиним билмай кеча-кундуз*
*Кезар еру самони.*
*Бир ҳарфини ўзгартирсанг,*
*Дунёнинг бир томони.*

(Шамол-шимол)

## Ибратли сатрлар

*Фарзанд ато қуллуғин*
*чу одат қилғай,*
*Ул одати ила касби*
*саодат қилғай.*
*Ҳар кимки атоға*
*кўп риоят қилғай,*
*Ўғлидадин анга бу иш*
*сироят қилғай.*

**Алишер НАВОИЙ**

## Маслаҳат

*Агар мўйна ва териларнинг ички томони дағалланса, уни юмшатиш мумкин. Бунинг учун бир ош қошиғида сирка эритмаси ва икки ош қошиғида тузни бир литр сувга аралаштириш ва унга терини ботириб олиш керак.*

## Болалар сўзлаганда

***— Отанг онангга эллик сўм беради. Кейин йигирма сўмини қайтариб олади. Хўш, Абдурайим, кейин нима чиқади?***
***— Жанжал чиқади, муаллим.***

## Тиббий ўгит

# Майизли чой

**Халқ табобатида йўталда, кўкракда тўпланган балғамдан халос қилиш ва овозни яхшилаш мақсадларида қўлланилган. Ибн Сино асарларида биз қуйидагиларни ўқиймиз: «Майиз жигар ва меъданинг дўстидир... Узум ва майиз уруғи билан биргаликда ичак оғриқларига яхши, майиз эса буйрак ва қовуққа фойда қилади».**

## Йўғ-э...

*Америкалик Пит Руфф бошининг устидаги олмани бумеранг ёрдамида уриб тушириб, барчани лол қолдирган экан.*

## Рассом ҳандаси



Рассом Шавкат МУЗАФФАР

# Изоҳи сиздан...






*Ҳавони бузган қайсинг,*
*Бўлмайсанми, хижолат?*
*Рекорд ўрнатиш ҳам бир,*
*Ўзига хос тижорат.*

**Самандар НАЗАРҚУЛОВ,**
**Гулистон шаҳри**

*Алё, Бухоро! Бу-хо-ро...*
*Бу-х-х-о-р-о-о!*

**Моҳинур,**
**Қибрай тумани**

*Гиннесга кириш учун,*
*Озгина ҳаракат қил.*
*Бу машаққатли йўлда,*
*Бўлади ур-сур, йиқил.*

**Зокиржон ХОЛМАТОВ,**
**Тошкент шаҳар**
**Юнусобод тумани**



*Бу аҳволда шоввозлар,*
*Бузишади «будка»ни.*
*Наҳотки билишмайди,*
*Афзаллигин «сотка»ни.*

**Асадулло**
**МИРЗААКБАРОВ,**
**«Ҳамкорбанк» АТБ**
**бирлашган касаба**
**уюшмалари қўмитасининг раиси**

*Телефон будкасига,*
*Сиғади қанча одам.*
*Қўлингиздан келса гар,*
*Уриниб кўринг сиз ҳам.*

**Мадинабону**
**НОРМУРОДОВА,**
**Ҳамза тумани**

*Ўтган аср одамлари,*
*«Сотка» нима билмайдилар.*
*Яқинларин соғинганми?*
*Ҳатто сабр қилмайдилар.*

**Рустам САТТОРОВ,**
**Наманган вилояти,**
**ҳуқуқшунос**

**Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?**

**Ishonch**

**МУАССИС:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати: Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият: 153-52-78
Хатлар бўлими: 153-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.

Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар Ⓗ белгиси остида чоп этилади.

Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи - У.Яъқубов
Мусаҳҳиҳ - Н.Юлдошев

Саҳифаловчи-дизайнер: Ж.Юнусов, Ю.Михайловский

Буюртма Г—114 | Тиражи: 19960

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 19.00

Сотувда эркин нархда 1 2 3 4 5 7 8